

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАЖАНОВА ШАХИДА ДАДАЖАНОВНА

ОНАЛАР ЎЛИМИНИ КАМАЙТИРИШДА ТАШКИЛИЙ
ВА ДАВОЛАШ-ДИАГНОСТИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Бабажанова Шахида Дадажановна

Оналар ўлимни камайтиришда ташкилий
ва даволаш-диагностик технологияларни такомиллаштириш..... 3

Бабажанова Шахида Дадажановна

Совершенствование организационных и лечебно-диагностических
технологий для снижения материнской
смертности..... 37

Babazhanova Shakhida Dadazhanovna

Improvement of organizational and treatment-diagnostic technologies to
reduce maternal mortality..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 74

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАЖАНОВА ШАХИДА ДАДАЖАНОВНА

ОНАЛАР ЎЛИМИНИ КАМАЙТИРИШДА ТАШКИЛИЙ
ВА ДАВОЛАШ-ДИАГНОСТИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/Tib266 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг www.tashpmi.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Асадов Дамин Абдурахимович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джаббарова Юлдуз Касимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ибрагимов Азиз Юлдашевич**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Негмаджанов Баходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Усман Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail:mail @tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д. И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда оналар ўлимини камайтириш, унинг сабабларини ўрганиш ва олдини олишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...дунёда ҳар куни ҳомиладорлик ёки туғруқ билан боғлиқ асоратлардан 810га яқин аёл, ҳар йили 295 000 аёл вафот этмоқда; оналар ўлимининг аксарияти - 94% - паст ва қуйи ривожланишга хос мамлакатларда (low and lower middle) рўй бермоқда, ривожланган мамлакатларга эса улардан атиги 0,5% тўғри келади...»¹. Оналар ўлими кўрсаткичи (ОЎК) дунё миқёсида 100 минг тирик туғилган чақалоқларга нисбатан 211та оналар ўлимини ташкил этмоқда, Суб-Саҳара Африкасида ОЎК 542 ни, Лотин Америкасида 73 ни, Жанубий Осиёда 163 ни, Шимолий Америкада 18 ни, Шарқий Осиёда 69 ни, Ғарбий Европада эса ОЎК 100 минг тирик туғилган чақалоқларга бор йўғи 5 та оналар ўлимини ташкил этади. 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) саммитида Барқарор ривожланиш мақсадлари қабул қилинди, бу мақсадлардан бири - 2030 йилгача оналар ўлимини учдан бирга камайтиришдир, шунинг учун, оналар ўлимини олдини олиш учун ташкилий, диагностика ва даволаш комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш замонавий акушерликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда оналар ўлимига олиб келувчи омилларни аниқлаш, оналар ўлимининг асосий сабаблари бўлган туғруқдан кейин қон кетиш, гипертензив ҳолатлар ва септик асоратларни ташхислаш, даволаш ва акушерлик долзарб ёрдам усулларини такомиллаштиришга бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада, акушерлик ёрдам сифатини ошириш, оналар ўлими ва гўдакларлар ўлимини камайтириш, оналар ўлимида ташкилий ва тиббий омилларнинг аҳамиятини аниқлаш, акушерликда қон кетишларига боғлиқ критик ҳолатларнинг ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш, ҳомиладор ва туққан аёлларда юзага келадиган асоратларни эрта ва аниқ ташхис усуллари ва даволаш йўллари ишлаб чиқиш, ҳомиладорликни юритишнинг клиник ва ташкилий ёндошувларини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, хавфсиз оналикни таъминлаш, жаҳон стандартларига асосланган перинатал ёрдам тизимини такомиллаштириш, акушерлик ёрдам сифатини ошириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар

¹ Trends in maternal mortality: 1990 to 2015: estimates by WHO, UNICEF, UNFPA, World Bank Group and the United Nations Population Division. Geneva: World Health Organization; 2019.

билан таъминлаш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, оналар ўлими асосий сабаблари бўлган қон кетиш, гипертензив ҳолатлар ва туғруқдан кейинги септик асоратларни олдини олиш, ташкилий, диагностик ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ - 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида» 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Оналар ўлимига олиб келувчи омилларни ўрганиш ва оналар ўлимини олдини олиш, шу билан бирга, акушерликда қон кетиш, преэклампсия, сепсисда кўрсатилаётган ёрдам сифатини оширишга қаратилган тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан, University of Oxford (Буюк Британия), CDC (АҚШ), University of British Columbia, (Канада), University of Toronto (Канада), North Middlesex University Hospital (Буюк Британия), Santa Maria University Hospital (Португалия), University of California (АҚШ), University of Strasbourg (Франция), University in Rohtak (Хиндистон), Hospital Universitario CEMIC (Аргентина), Sakakibara Heart Institute (Япония), Ankara University (Туркия), академик В.И. Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

3 Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides>, <https://www.cdc.gov/>, <https://www.ubc.ca/>, <https://www.utoronto.ca/>, <https://www.northmid.nhs.uk/>, <http://www.chln.pt/>, <https://www.universityofcalifornia.edu/>, <https://en.unistra.fr/>, <https://mdu.ac.in/>, <https://www.cemic.edu.ar/>, <https://www.sakakibara-hp.com/>, <https://www.ankara.edu.tr/>, <https://ncagp.ru/>, <https://www.akusherstvo.uz/>, <https://tashpmi.uz/>, www.pubmed, www.sciencedirect.com, www.cochrane.org, www.rcog.org.uk, www.acog.org, www.medline.ru, www.ncbi.nlm.nih. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

илмий маркази (Россия), Республика акушерлик ва гинекология ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда оналар ўлимини олдини олиш учун ташкилий, диагностик ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: оналар ўлимини конфиденциал таҳлил қилиш тартиби ишлаб чиқилган (University of Oxford, UK); ўлимга сабаб бўлган туғруқдан кейин қон кетишининг 86,8% ҳолатларида оналар ўлимини олдини олиш мумкин эканлиги исботланган (Sakakibara Heart Institute, Japan); ёши 35дан ошган аёлларда туғруқ билан боғлиқ асоратлар кўпайиши аниқланган (University of British Columbia, University of Toronto, Canada); кам ва ўрта даромадли давлатларда йўлдош бачадонга ўсиб кирганда амалиёт техникаси нотўғрилиги ва хирург касбий салоҳияти етарли эмаслиги 87% да оналар ўлимига олиб келиши кўрсатиб берилган (Hospital Universitario CEMIC, Argentina); қора танлилар орасида оналар ўлими оқ танлиларга нисбатан 3 баравар юқорилиги тиббий ёрдам олиш имкониятидаги муаммолар, кўрсатилган акушерлик ёрдам сифати, аёлларда сурункали касалликлар мавжудлиги билан боғлиқ эканлиги исботланган (CDC, USA); туғруқдан кейин қон кетишларда бачадонда компрессион гемостаз усуллари қўллаш массив қон кетиш олдини олиши иботланган (академик В.И. Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази, Россия); акушерликда қон кетишда қон хажмини ўз вақтида тўлдириш оналар ўлимини камайтиришида ахамияти кўрсатилган (Республика акушерлик ва гинекология ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда акушерликдаги қон кетиш, гипертензив ҳолатлар ва перипартал сепсисда оналар ўлимини қисқартириш, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда аёлларга тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: туғруқдан кейин массив қон кетишни олдини олиш усуллари такомиллаштириш; бачадонга йўлдош ўсиб кирганда орган сақлаш амалиётларини ишлаб чиқиш; преэклампсия ҳолатларида туғруқ асоратларини ва перинатал касалланиш, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш; генитал сепсис ҳолатларда эндоскопик усуллар ёрдамида ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш; оналар ўлимида ижтимоий-гигиеник ва тиббий омилларнинг ахамиятини аниқлаш; критик ҳолатдаги ҳомиладорлар ва туққан аёлларни олиб боришнинг клиник ва ташкилий ёндошувларини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирлар бўйича самарали дастурларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2004 йилда олдини олиш мумкин бўлган оналар ўлимини йўқ қилишга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлигини таъкидлаб, оналар ўлимини конфиденциал таҳлил қилиш, ва шу билан бирга, «аранг тирик қолган», «near-miss» - критик ҳолатлар аудитини

Ўтказишни таклиф этди. Ўз мамлакатадаги оналар ўлимини ва критик ҳолатларни конфиденциал аудити асосида ўлимга олиб келувчи омилларни аниқлаб, уларни олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар тиббий ёрдам сифатини ошириши кўрсатилган замонавий илмий мақолалар мавжуд (Kumar M. S. et al., 2022; Lewis G. et al., 2019; Mansuri F., Mall A., 2019; Telmo Henrique Barbosa de Lima. et al., 2019; Lazzerini M. et al., 2018.). Акушерликда қон кетиши оналар ўлими ва оналар оғир касалликлари асосий сабаби эканлиги аниқланган (Zhang XQ, Chen XT, 2021; Suarez S, Conde-Agudelo A, 2020; Kallianidis A. F., Maraschini A., Danis J., et al. 2020; Adanikin AI, Umeora OUI., 2019; Nuque S., Roberts I., 2018.). Ўнлаб йиллар давомида туғруқдан кейинги қон кетишни тўхтатишда консерватив чоралар самара бермаса, ягона хирургик даво гистерэктомия эди, сўнгги ўн йилликда акушерлик амалиётида гистерэктомияга алтернатива сифатида органларни сақлаш операциялари жорий этилиши таклиф этилган (Moleiro M.L. et al., 2022; Finlayson K, Vogel JP, 2021; Palacios-Jaraquemada J.M. et al., 2020). Йўлдошнинг бачадонга ўсиши оналар ўлими хавфининг 18 баравар ошишига олиб келиши туфайли, жиддий акушерлик муаммосига айлангани аниқланди (Fonseca A, Ayres de Campos D. et al., 2021; Morlando M. et al., 2020г., Husseina Ahmed M. et al., 2018).

МДХ давлатлари олимларининг илмий тадқиқотларида бачадон балон тампонадаси туғруқдан кейин қон тўхтатишда самарали эканлиги кўрсатилди (Кукарская Е.Ю., 2019; Баринов С.В. ҳаммуал. билан 2019). Йўлдош бачадонга ўсиб кирганида умумий ён бош, ички ён бош ёки бачадон артериялари окклюзияси қон кетишни камайтириши ва орган сақлаш амалиётлари бажарилишига ёрдам бериши аниқланган (Шмаков Р.Г. ҳаммуал. билан 2021; Курцер М.А. ҳаммуал. билан 2019; Бреслав И.Ю. ҳаммуал. билан 2019). Акушерлик перитонитлар ҳозирги замонда кўпроқ кам сиптомли кечиш билан тавсифланиши ва бу ҳолат ташхислаш ва даволашни кечикишига сабаб бўлиши кўрсатилган (Глухов Е.Ю. ҳаммуал. билан 2021; Иванников Н.Ю. ҳаммуал. билан 2019; Апресян С.В. ҳаммуал. билан 2019).

Ўзбекистонда кейинги ўн йиллар давомида оналар ўлими муаммоси кўпчилик тадқиқотчилар ва соғлиқни сақлаш ташкилотчиларини ишларида ўрганилган. Оналар ўлимининг клиник жиҳатлари Пахомова Ж.Е., 2022; Ризаев Ж.А., 2022; Нажмутдинова Д.К., 2021; Каримова Д.Ф. 2021; Закирова Н.И, 2021; Ан А.В, 2021 ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилган. Презклампсиянинг критик шакллари ривожланишида цитокинлар, иммунологик механизмлар ва гемостаздаги ўзгаришлар ўрни кўрсатилган (Ниязметов Р.Э. ҳаммуал. билан 2022; Султанов С.Н. ҳаммуал. билан 2021; Негмаджанов Б.Б. ҳаммуал. билан 2021; Каримов А.Х., 2019). Оналар ўлимини камайтириш мақсадида соматик касалликлари мавжуд ҳомиладорларда туғруқларни юритишга ёндошувларни излаш давом этмоқда (Каттаходжаева М.Х. ҳаммуал. билан 2021; Зуфарова Ш.А. ҳаммуал. билан 2020; Саиджалилова Д.Ж. ҳаммуал. билан 2020). Қон кетишда операцион-анестезиологик хавфни камайтириш йўллари қайта кўриб чиқилмоқда (Юсупбаев Р.Б. 2022; Ким Е.Д. 2022). Перипартал инфекция ривожланишида

аёллар жинсий органларидаги яллиғланиш таъсири кўрсатилган (Магзумова Н.М. хаммуал. билан 2021).

Бироқ, мазкур тадқиқотларда патологик жараённинг клиник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, олдини олиш мумкин бўлган оналар ўлими, критик ҳолатлар тузилмаси етарлича аниқланмаган, мазкур ҳолатларнинг юзага келиши ва ривожланишида ташкилий, тиббий-ижтимоий ва клиник омилларнинг ўрни комплекс таҳлил қилинмаган. Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси оналар ўлимини конфиденциал таҳлил қилиш орқали ўлим ва критик ҳолатлар сабаблари, олдини олиш мумкин бўлган омилларни ўрганишнинг долзарблигини кўрсатади. Туғруқдан кейинги қон кетишда, йўлдош бачадонга ўсиб кирганда ва туғруқдан кейинги септик ҳолатларда органни сақлаш технологиялари истиқболли ва етарлича янги йўналишлардан бири бўлиши мумкин. Бутун дунёда оналар ўлимининг асосий сабаблари бўлган қон кетиш, преэклампсия, генитал сепсисда тиббий ёрдам сифатини ошириш учун ташкилий ва тиббий технологияларни такомиллаштириш ва инновацион усулларни қидириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш илмий ва амалий жиҳатидан долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.980006703 “Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш” (2020–2023) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оналар ўлимини олдини олиш учун ташкилий, диагностика ва даволаш комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш ва оналар ўлимини янада қисқартириш учун захираларни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оналар ўлимининг махфий таҳлиliga асосланиб, Оў сабабларини аниқлаш, акушерлик ёрдам сифатини баҳолаш, салбий оқибатларнинг предикторларини ва акушерлик қон кетиши, преэклампсия, генитал сепсисда Оў нинг олдини олиш мумкин бўлган омилларини аниқлаш;

туғруқдан кейин қон кетишда бачадоннинг балонли тампонадаси самарадорлигини баҳолаш;

массив акушерлик қон кетиши учун хавф омилларининг мавжудлиги ва хусусиятларини аниқлаш ва туғруқдан кейин қон кетиш бўйича хавфли гуруҳда бачадон томирларини кесар кесиш амалиёти пайтида профилактик боғлаш самарадорлигини баҳолаш;

йўлдошнинг бачадонга ўсиб киришига асосий хавф омилларини аниқлаш ва бу ҳолатда аёллар репродуктив функциясини сақлаб қолиш амалиёт усулларини ишлаб чиқиш;

эрта ва кеч преэклампсияли ҳомиладор аёлларда оналик ва перинатал натижаларни аниқлаш, уларда туғиш муддати ва усулини дифференциал танлаш акушерлик тактикасини ишлаб чиқиш;

кесар кесишдан кейинги перипартал инфекцияли беморларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш; муассасалар даражасида критик ҳолатлар аудитининг оналар ўлимининг олдини олиш ва камайтириш ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширишдаги ўрнини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика перинатал марказига 2016-2021 йиллар давомида мурожаат этган 18 ёшдан 49 ёшгача 8299 нафар аёллар ва республикада 2013-2019 йилларда содир бўлган 915 оналар ўлими ҳолатлари олинган.

Тадқиқот предмети сифатида хомиладорлар/туққан аёллар касаллик/туғруқ тарихлари, аноним анкета-сўровномалар, критик ҳолатлар аудити ҳисобот формалари, чақалоқлар ривожланиш тарихлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда ижтимоий-гигиеник, умумклиник, инструментал, хирургик, эксперт баҳолаш, аудит ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оналар ўлимини илк бор конфиденциал таҳлил қилиш асосида акушерлик қон кетиш, преэклампсия, генитал сепсис билан асоратланган хомиладор аёллар, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар ва захиралар исботланган;

акушерликда қон кетишга қарши кураш клиник протоколи доирасида туғруқдан кейинги профилактика ва даволаш тадбирлари босқичларидан келиб чиққан ҳолда, бачадоннинг балон тампонадаси жорий этилди ва унинг самарадорлиги исботланган;

туғруқдан кейин массив қон кетиш бўйича хавф гуруҳлари аниқланди ва ушбу гуруҳларда кесар кесиш амалиёти пайтида бачадон томирларини профилактик боғлашнинг самарадорлиги исботланган;

йўлдошнинг бачадонга ўсиб кириш ҳолатларида кўп миқдорда қон йўқотишнинг олдини олиш, аёлнинг репродуктив функциясини сақлаб қолиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берувчи органни сақлаш технологияси ишлаб чиқилган ва самарадорлиги исботланган;

эрта ва кеч преэклампсияда хомиладорлик асоратларининг илмий қиёсий таҳлили ўтказилган, она ва бола учун натижаларни яхшилаш учун 34 ҳафтагача ва ундан кейинги даврда ушбу аёлларда дифференциал танлаш акушерлик тактикаси ишлаб чиқилган;

кесар кесишдан кейин перипартал инфекция билан асоратланган аёлларни олиб бориш бўйича алгоритм ишлаб чиқилган ва самарадорлиги исботланган;

акушерликдаги критик ҳолатлар аудити цикли методологияси ишлаб чиқилган; критик ҳолатлар ва оналар ўлимига олиб келган омилларнинг ўхшашлиги туфайли, тиббий ёрдам сифати ошиши ва оптималлаштирилиши оналар орасида оғир касааланиш ва ўлим ҳолатларини камайтириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анонимлик, ўлимга таъсир этувчи омиллар ва ҳолатларни ҳар томонлама баҳолашни ўз ичига олган оналар ўлими конфиденциал аудитининг аниқланган афзалликлари уни республика соғлиқни сақлаш тизимида оналар ўлимини таҳлил қилишнинг ягона воситаси сифатида тавсия қилинган;

акушерлик қон кетиши бўйича ихтисослаштирилган ёрдам сифатини яхшилайдиган ва салбий оқибатлар эҳтимолини камайтирадиган, инновацион даволаш ва услубий ёндашувлар такомиллаштирилган ва тавсия этилган: туғруқдан кейинги атоник қон кетишда массив қон кетиш улушини ва гемотрансфузия ҳажмини камайтириши, органларни сақловчи технологияларнинг частотасини ва самарадорлигини ошириши аниқланган бачадоннинг балон тампонадаси тавсия этилган;

атоник қон кетиш хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида кесар кесиш пайтида туғруқдан кейинги оғир қон кетишни, қуйилган эритроцитар массасини ҳажмини ва гистерэктомиялар частотасини камайтириш самарадорлиги исботланган бачадоннинг асосий томирларини профилактик боғлаш тавсия этилган;

йўлдошнинг бачадонга плацентанинг ўсиб кириши ҳолатларида ишлаб чиқилган жарроҳлик технологияси 3 даражали туғруқ муассасаларига тавсия этилган;

эрта ва кеч преэклампсия билан асоратланган аёлларда она ва бола учун натижаларни яхшилайдиган дифференциал ёндашув тактикаси ишлаб чиқилган ва тавсия этилган;

эндоскопик усуллар ёрдамида кесар кесишдан кейинги даврда перипартал инфекция билан асоратланган беморларни текшириш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва тавсия этилган;

акушерликдаги критик ҳолатлар аудитининг методологияси ишлаб чиқилган ва акушерликдаги тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича самарадорлиги аниқланган ва бу методология ҳам ташкилий, ҳам тиббий технологиялар мажмуасини амалга оширишни назарда тутадиган, оналар ўлимини олдини олиш ва камайтиришга қаратилган, тиббий ёрдам сифатини бошқариш модели сифатида тавсия этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти акушерликдаги қон кетиш, преэклампсия ва перипаратал инфекцияда ишлаб чиқилган ташкилий, тиббий, диагностик ва профилактик усулларнинг самарадорлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини оширишда оналар ўлими ва критик ҳолатлар аудитини такомиллаштирилган методологияси асосида ўтказиш, туғруқдан кейин қон кетиш, презклампсия ва перипартал инфекция ҳолатларида аёлларни олиб бориш учун ишлаб чиқилган ташкилий, диагностик ва даволаш тактикалари ва уларнинг тадбиқ этилганлиги ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги даврдаги оғир асоратларнинг олдини олиш, даволаш самарасини ошириш, оналар ва гўдаклар касалланиши ва ўлимини пасайтиришга имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оналар ўлимини камайтириш бўйича ташкилий-даволаш ва диагностика технологияларини оптималлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

акушерликдаги критик ҳолатларда ёрдам сифатини ошириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Акушерлик амалиётидаги критик ҳолатларни конфиденциал таҳлил қилиш методи» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 мартдаги 8-н-р/79-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши шошилинч акушерлик ёрдами ва клиник протоколларни амалиётга жорий қилиниш сифатини ошириш имконини берган;

акушерликда ҳомиладор аёлларда туғруқдан кейин массив қон кетишини олдини олиш усуларини қўллаш асосида ишлаб чиқилган «Туғруқдан кейинги атоник қон кетишни тўхтатиш учун бошқариладиган балон тампонадаси усулини қўллаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 мартдаги 8-н-р/78-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши аёлларда туғруқдан кейин қон кетиш миқдори ва гемотрансфузия ҳажмини камайиштириш, бачадон репродуктив функциясинини сақлаш имконини берган;

оналар ўлимини камайтириш учун ишлаб чиқилган ташкилий ва даволаш-диагностик, профилактик технологияларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Фарғона ва Тошкент вилоятлари перинатал марказлари, Республика перинатал маркази амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 08-11330-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши аёлларда массив қон йўқотиш частотасини 7,6 бараварга, қуйиладиган қон ҳажмини 3 бараварга, кесар кесиш амалиётини 40%га камайишига, аёллар репродуктив функциясини сақлаш 82%-94,2% ошишига олиб келган ва аёллар, чақалоқларнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида ётишини 2 бараварга камайтириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 200 бетда компьютер матнида баён қилинган бўлиб, кириш, 7 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хозирги замонда оналар ўлими муаммоси, ҳомиладорлик ва туғишнинг ижобий яқунланиши имкониятларини қидириш»** деб номланган биринчи бобида оналар ўлимини баҳолашга нисбатан замонавий ёндашишлар юзасидан сўнгги йилларда эълон қилинган махсус адабиётлар таҳлил қилинган, акушерликда қон кетиши ҳолатлари, оғир ПЭ, туғишдан сўнгги генитал сепсис (ГС) масалалари ОЎ асосий сабаблари сифатида ёритилган, ОЎни таҳлил қилиш усуллари, акушерликдаги критик ҳолатлар «near miss» аудити бўйича изланиш натижалари келтирилган. Ушбу бобда акушерликдаги қон кетиш (АҚК), преэклампсия (ПЭ), генитал сепсис (ГС) да ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги даврни бошқаришнинг замонавий усуллари афзалликлари ва камчиликлари, шунингдек, ОЎ ва акушерликдаги критик ҳолатларни камайтиришда ушбу асоратларни даволаш усуллари, шу жумладан қонни тежовчи технологиялар, бачадон ичи балон тампондаси, бачадоннинг асосий томирларини профилактик боғлаш, плацентанинг ўсиб кириши ҳолатида органларни сақловчи ёндашувлар таҳлил этилган. Туғруқдан кейинги асоратларни ўз вақтида аниқлаш учун эндоскопик усуллари қўллаш имконияти тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган, ПЭ билан оғриган аёлларни туғишда дифференциал ёндашув имкониятларига баҳо берилган. Боб ушбу соҳада ҳал этилмаган ёки аниқланиши керак бўлган жиҳатларни таъкидлаш билан яқунланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материали ва усуллари»** иккинчи бобида клиник материал, тадқиқот босқичлари тавсифи билан дизайни, тадқиқот усуллари, қўлланиладиган диагностика ва даволаш усуллари ҳақида маълумотлар берилган. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун 18 ёш ва ундан катта ёшдаги 9214 нафар аёллар комплекс текширувдан ўтказилди, тиббиёт ходимларининг 313 та аноним

сўровномаси маълумотлари ўрганилди. 8166 аёлда ретроспектив, 1048 аёлда проспектив тадқиқот ўтказилди, тадқиқот дизайни 1-расмда берилган. Тадқиқот Республика перинатал марказида ўтказилди ва бир неча босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда Ўзбекистондаги туғруқхона муассасаларида (2013-2019йй.) содир бўлган 915 та ОЎ ҳолати, РПМ да содир бўлган 95 та «near miss» критик ҳолатлар, тиббиёт ходимларининг 313 та анкета-сўровномаси асосида конфиденциал таҳлили ва эксперт баҳолаш ўтказилди. Иккинчи босқичда, ретроспектив когорт тадқиқотда 122 аёлда акушерликда оғир қон кетиш хавфли омиллари ва 56 аёлда йўлдошнинг бачадонга ўсиб кириши хавфли омиллари 950 ва 5361 назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан аниқланди. Проспектив когорт тадқиқотида турли когорталарда қўлланилган қонни сақловчи технологияларни босқичма-босқич баҳолаш амалга оширилди: 1-гуруҳ (50 та туғруқдан кейинги қон кетиш (ТКҚК) бўлган аёл)да бошқариладиган балон тампонадасидан (ББТ) фойдаланиш самарадорлиги ўрганилди, таққослаш гуруҳида (50 та ТКҚК аёл) ББТ дан фойдаланилмади. 2-гуруҳ - туғруқдан кейинги массив қон кетиш хавфи юқори бўлган 318 аёлда кесар кесиш (КК) пайтида бачадон асосий томирларининг профилактик боғланиши ўтказилган, таққослаш гуруҳида 224 массив қон кетишга хавфли аёлларда КК пайтида бачадон томирлари боғланмаган. 3-гуруҳга плацентанинг бачадонга ўсиши ҳолатида органни сақловчи модификацияланган технология қўлланилган 35 аёл ва плацентанинг бачадонга ўсиши ҳолатида орган сақлаш амалиёти қўлланилмаган, гистерэктомия қилинган 14 нафар аёл кирган. Танлаш тасодифий танлаб олиш йўли билан амалга оширилди. Учинчи босқичда эрта ва кеч ПЭ билан туққан 667 та аёлда туғилиш натижаларини ретроспектив баҳолаш ва 292 нафар эрта ва кеч ПЭли аёлларни олиб боришда фаол ёки кутиш тактикасини қўллаш бўйича проспектив контролли когорт тадқиқоти ўтказилди ва унинг самарадорлиги аниқланди. Тўртинчи босқичда КК йўли билан туққан аёллар перипаратал инфекция билан касалланганида уларни олиб бориш, эндоскопик диагностик-даволаш усулларини ўз ичига олган алгоритм ишлаб чиқилди ва асосланди, алгоритм 43 та аёлда қўлланилди, туғруқдан кейинги генитал сепсис (ГС) диагностикаси, даволашнинг янги минимал инвазив технологиялари, шунингдек, бачадон чоклари етишмовчилигида органларни сақловчи жарроҳликнинг самарадорлиги ўрганилди (таққослаш гуруҳи 22 бемордан иборат). Кейинги босқичда 95 критик ҳолатлар аудити цикли самарадорлиги аниқланди, улардан 40 таси ТКҚК бўйича, 35 таси ПЭ бўйича ва 18 таси ГС бўйича ўтказилди.






1-расм. Тадқиқот дизайни.

Барча ҳомиладор аёллар клиник, лаборатория ва инструментал текширувлардан ўтказилди. Тадқиқот усуллари ЎзР. ССВнинг буйруқларига мувофиқ оналар ўлими ҳолатларини конфиденциал ўрганиш методологияси (ССВ нинг 2009й. №243 буйруғи), шу буйруқнинг 5-иловасига мувофиқ эксперт баҳолаш формаси, шу буйруқнинг 4-иловасига мувофиқ аноним анкета-сўровномаси, критик ҳолатлар аудити методологияси цикли (ССВнинг №428 (2007й) ва №313а (2019й.) буйруқларини ўз ичига олган. Оғир акушерлик асоратларнинг олдини олиш ва даволашида қўлланиладиган усуллар кўрсатилган: ТКҚКда бачадоннинг ББТ, массив қон кетишга хавфи бўлганда 2 жуфт бачадон томирларни профилактик боғлаш усули, бачадонга йўлдош ўсиб кирганида органини сақловчи жарроҳликнинг модификацияланган усули. Оғир ПЭ билан асоратланган ҳомиладор аёлларни, ПЭ ривожланишининг ҳомиладорлик муддатини ҳисобга олган ҳолда, дифференциал даволаш, аёлнинг орган, ҳайз ва репродуктив функцияларини сақлаб қолиш учун перипартал сепсисни ўрганиш ва даволашнинг эндовизуал ва орган сақловчи жарроҳлик усуллари кўрсатилган. Олинган натижалар Статистика 12.0, Excell 2007 амалий дастурлар пакети ёрдамида статистик ишловдан ўтказилди. Фарқларнинг аҳамияти (p) бир жинсли дисперсияларнинг вариацияларнинг нормал тақсимланишида Стьюдент t-тестига кўра, тақсимот анормаллигида - Манн-Уитни U критериясига асосланиб баҳоланди, $p < 0,05$ бўлса, тақсимот нормал деб ҳисобланди. Оддий тақсимотга эга бўлган иккита боғлиқ (жуфтланган)


намунани солиштириш учун Стьюdent р-тести қўлланилди. Фактор таъсирига қараб натижалардаги фарқларнинг аҳамиятини баҳолаш учун χ^2 -квадрат тести ҳисоблаб чиқилган. Хавф омилининг натижага яқинлигининг миқдорий талқини 95% ишонч оралиғи (CI) билан OR (Odds Ratio-имконият нисбати)ни ҳисоблашга асосланган. Моделнинг аҳамияти тузилган модел даражасининг қиймати ($p < 0,05$) бўлганлиги билан баҳоланди.

Диссертация ишининг «Ўзбекистонда оналар ўлими структурасида тиббий-ташкилий хавф омиллари ва тиббий ёрдам сифати» учинчи бобида 2013-2019йй. содир бўлган 915 та ОЎ ҳолатлари таҳлил қилиш асосида, Ўзбекистонда ОЎнинг асосий сабабларидан тўғридан-тўғри акушерлик сабаблари 699(76,4%)ни ташкил этган, тўғридан-тўғри сабаблар орасида деярли ҳар учинчи аёл акушерлик қон кетишидан (260-37,2%) ёки преэклампсиядан (204-29,2%), ҳар олтинчи аёл (116-16,6%) эса перипартал сепсисдан вафот этгани аниқланди. ОЎнинг билвосита сабаблари 23,6% ни ташкил қилди. Аниқланишича, ОЎ кўпроқ 20-29 ёш тоифасида 54,7% содир бўлган, лекин ёш тоифалари бўйича ОЎ интенсив кўрсаткич 20-29 ёшда энг кам бўлган ва 100 000 туғруққа нисбатан 12,94-12.64ни ташкил этган (2-расм).




2-расм. Ёш тоифалари бўйича ОЎ хавфи (100 000 туғруққа нисбатан)

Ёш тоифалари бўйича ОЎ хавфини ўрганиш шуни кўрсатдики, мамлакатимизда ёш тоифалари бўйича ОЎ хавфи диаграммаси “J” шаклига эга бўлиб, у ривожланаётган мамлакатлар учун эмас, ривожланган мамлакатлар учун кўпроқ хосдир. ОЎнинг энг паст хавфи 25-29 ёш тоифаларида, ўсмир оналарда ОЎ хавфи 25-29 ёшдагиларга қараганда 40% юқори бўлиши аниқланди (OR 1,040. 95% CI 0,673-1,608), лекин ўсмир оналар сони ва улар орасидаги ОЎ камлиги сабабли, натижалар статистик аҳамиятга эга эмас. Аёлларда 30 ёшдан бошлаб ОЎ хавфи ортади ва аёл ёши қанчалик катта бўлса, ОЎ хавфи шунчалик юқори бўлади: 30-34 ёшда ОЎ хавфи 25-29 ёшга қараганда 2,4 баравар юқори (OR 2,458; 95% CI 2,059-2,933*), 35-39 ёшда - 5,7 марта юқори (OR =5,772; 95% CI 4,613-7,097*), 40 ёш ва ундан катта ёшда - 13,5 марта даражада юқори (OR =13,469; 95% CI 9,323-19,459*) эканлиги аниқланди.



3-расм. Ёш тоифалари бўйича оналар ўлими сабаблари.

3-чи расмда кўрсатилдики, қон кетиш, преэклампсия, соматик патология ва генитал сепсис барча ёш тоифаларида ОЎ сабабларига киради, 35 ёш ва ундан катта ёшдаги аёлларда ОЎ хавфи тромбоемболик асоратлар (ЎАТЭ), соматик патологиялар (ЭГК) ва қон кетиш туфайли сезиларли даражада ошади. Мамлакатда ОЎ учун яна бир хавф омили кесар кесиш (КК) ҳисобланади: ОЎ ҳолатларнинг ярмидан кўпи – 65,2% КК туфайли туғдирилган (OR 3.484 95% CI 2.849-4.259*), улардан 42,3% да КК га нисбий кўрсатмалар бўлган. Табиий йўл орқали туғиш вафот этган аёлларнинг 31,9%да, хомила тушиш 4,4%да, хомиладорлигича ОЎ 3,7%да содир бўлган. КК билан туққан аёлларда ОЎ интенсив кўрсаткичи 75,2ни, табиий йўл орқали туққанларда 6,9ни ташкил этган (4-расм). КК билан туғишнинг кўпайиши ОЎнинг ошишига олиб келади: 2013-2019 йилларда табиий туғруқни КК билан солиштирганда, КК гуруҳида ОЎ хавфи 10 баравар юқори (OR 10,819; 95% CI 9.387-12.469*) эканлиги қайд этилди. Перинатал асоратларга юқори хавфли хомиладор аёлларни нораціонал худудийлаштиришда ОЎ хавфи 50%га ошиши топилди (OR 1,544; 95% CI 1,268-1,879*), ОЎнинг аксарият ҳолатлари (37,5%) 1-даражали муассасаларда содир бўлган, 2-даражали туғруқ муассасаларида 13,2% ОЎ содир бўлган. 1-2 даражали туғруқ муассасаларида туққан ОЎ бўлган аёлларнинг 62-74% ихтисослаштирилган, юқори технологияли ёрдам кўрсатадиган, 3 даражали муассасаларга йўналтирилиши керак бўлган хавф омилларига эга бўлган. Вилоят перинатал марказларда (ВПМ) 29,1%, республика миқёсидаги туғруқ муассасаларда 6,9%, ШТЁМ да 13% ОЎ содир бўлган, улардан: 1-даражали муассасадан 4,9%, 2 даражалидан – 2,4%, ВПМ ва республика миқёсидаги муассасалардан 5,6% ШТЁМга ўтказилган.



4-расм. Кесар кесишда ОЎ интенсив кўрсаткичи, таббий йўллар орқали туққан аёллардаги ОЎ интенсив кўрсаткичи билан қиёсланганда (100000 туғруққа нисбатан).

Акушерлик қон кетишидан (АҚК) сабабли 232 та ОЎни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: АҚК ОЎнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, 28,4% ни ташкил этди; АҚК сабабли ОЎ 100 минг туғруқларга нисбатан интенсив кўрсаткичи 2013-2015йилларда 4,5ни, 2016-2017йилларда 3,8 ни, 2018-2019йилларда 5,7 ни ташкил этди ва ошгани кузатилмоқда. 35 ёш ва ундан юқори ёшда қон кетишидан ОЎ хавфи 20-24 ёш тоифасига нисбатан 7,6 барабар юқори (OR 7.678. 95% CI 5.209-11.316*). Паритетга кўра, вафот этганларнинг кўпчилиги (73,3%) қайта туғувчилар бўлган (OR 7.858; 95% CI 5.198-11.881*). Нораціонал регионализация АҚК дан ОЎни ошишига олиб келади, 1 даражали туғруқ муассасаларида АҚК дан ОЎ хавфи 3 даражали муассага нисбатан 5 барабар ортиқ (OR 5,348; 95% CI 3.313-8.632*). АҚК дан вафот этганларнинг кўпчилиги (62,9%) КК йўли билан туғдирилгани ва АҚКдан ОЎ хавфи КК билан туғдирилганда 10 марта ошиши аниқланди (OR 10.158. 95% CI 6.780-15.220*). ККдан кейинги АҚКдан ОЎ интенсив кўрсаткич 100 000 туғруққа нисбатан 2013-2015йилларда 14,7 дан 2018-2019 йилларда 21,8 га ошгани аниқланди. АҚКни тўхтатиш учун асосий амалиёт 63,7-84,3% да гистерэктомиа бўлиб қолмоқда ва 48,2% да релапаротомия қилинмоқда, органсақловчи амалиётлар 12,2%-28,9% бажарилган. Йўлдош бачадонга ўсиб кириш 34(14,7%) ОЎ ҳолатида аниқланди, антенатал диагностика қилинмагани 27(79,4%) ва амалиётга етарли тайёрланмаслик 32(91,1%) ҳолатда аниқланди. АҚКда ОЎни келтириб чиқарадиган олдини олиш мумкин бўлган асосий омиллар: кечиктирилган жарроҳлик гемостаз -54,5%-88%; қон кетиш хажмини нотўғри баҳолаш 31,6%-55,8%, органларни сақловчи технологияларидан етарли даражада фойдаланмаслик 35,5%-39,9%, гемотрансфузия кечикиши 38,3%-42,6%, антенатал парвариш сифати пастлиги 38,9%-45,3%, шошилиш акушерлик ёрдам ташкил этишдаги муаммолар 28,7%-36,2%. ОЎнинг қон кетиш сабабли ўлимни олдини олиш мумкинлигини баҳоланганида, 77,3%-67,1% ҳолларда ОЎни олдини олиш мумкинлиги, 19,6% -29,4% ҳолларда шартли равишда олдини олиш мумкинлиги аниқланди.

Преэклампсия (ПЭ) ОЎ сабаблари таркибида 22,3% ни ташкил этган.

ПЭдан Оўнинг 204 та ҳолати аудити шуни кўрсатдики, ПЭда Оў жигар етишмовчилигидан (ХЎЎГ/HELLP) - 30,2%, церебрал асоратлардан - 28,0%, ўткир буйрак етишмовчилигидан - 21,0%, ўпка шишидан - 20,0% содир бўлган. ПЭдан Оў ҳолати 100 000 туғруққа нисбатан интенсив кўрсаткичи 2013-2015 йилларда 4,03ни, 2016-2017 йилларда 4,3 ни ва 2018-2019 йилларда 3,7 ни ташкил этган. КК амалиёти 79,4% ҳолларда амалга оширилди, КК орқали туғдирилганда ПЭдан Оў хавфи табиий туғдирилгандан 30 баравар юқорилиги аниқланди (OR 30.892; CI 95% 17.621-54.161). ПЭдан ўлимга олиб келадиган асосий омиллар: антенатал парваришнинг етарли емаслиги (72,0%-41,8%), норационал худудийлаштириш (31,4%-23,6%), етарлимас антигипертензив терапия (38,3%-44,4%), нотўғри магнезиал терапия (55,8%-30,9%), етарлимас мониторинг (40,6%-50,9%), норационал туғдириш (12,7%-23,6%), шошилич акушерлик ёрдам етарли ташкил этилмаганлиги (55,9%-45,7%). ПЭдан Оўнинг 66,3%-54,5% ҳолатларда Оў олдини олиш мумкинлиги, 30,2%-29,1% - шартли равишда олдини олиш мумкинлиги аниқланди.

Оўнинг перипаратал инфекция - генитал сепсис (ГС) 116 ҳолатининг конфиденциал таҳлили шуни кўрсатдики, ГСдан Оў 100 000 туғруққа нисбатан интенсив кўрсаткич 2013-2015 йилларда 2,62ни, 2018-2019 йилларда 2,08ни ташкил этди ва камайиши кузатилмоқда. Аёлларнинг кўпчилиги КК амалиёти орқали (66,3%) туғдирилгани аниқланди (OR 16.184; 95% CI 6.843-38.275), ККдан кейинги ГСдан Оў интенсив кўрсаткичи 100 000 туғруққа нисбатан 14,5дан 7,5 га камайиши кузатилмоқда, лекин ККдан кейин септик асоратлардан Оў хавфи табиий йўл орқали туғруққа нисбатан 14 баравар юқори (OR 14.929; 95% CI 5.995-37.176*) бўлиши аниқланди. ГС ташхисининг кечиктирилиб қўйилиши (57,1%-79,3%), сепсиснинг интенсив терапиясини кечикиб бажарилишига олиб келган, бу эса оналар ўлими хавфини оширган. Етарли даражада мониторинг қилмаслик (57,1%-79,3%) инфекция ўчоғини олиб ташлашнинг кечикишига (64,3%-79,3%) олиб келган, ва бу ҳолатлар ўлим хавфини оширганлиги аниқланди. ГС сабабли Оў ҳолатларининг 60,7%-67,7% фоизида Оў ҳолатларини олдини олиш мумкинлиги, 22,5%-28,5% ҳолатларда шартли равишда Оў олдини олиш мумкинлиги топилди. АҚК, ПЭ, ГСга ёрдам кўрсатишда фойдаланилмаган имкониятларни сарҳисоб қилиб, биз оналар ўлимига таъсир кўрсатган қўйидаги омилларни аниқладик: ходимларнинг муаммолари 82,4% (билим, кўникма, ташхислаш, даволаш, профилактика, мониторинг, клиник протоколлар ва стандартлардан фойдаланиш ва бошқалар), шошилич тиббий ёрдамни ташкил этиш муаммолари (62,6%), асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминлаш муаммолари (29,8%), антенатал парвариш муаммолари, жумладан норационал худудийлаштириш (33,7%) ва бемор муаммолари (32,4%)ни ташкил этди. Махфийлик ва анонимлик Оўни конфиденциал таҳлил қилиш ва анъанавий усули ўртасидаги асосий фарқдир. Ушбу ёндашувнинг афзалликлари фақат тиббий хужжатларнигина таҳлил қилишга нисбатан, тиббиёт ходимларининг аноним сўровномалари қўшимча таҳлил қилинганда Оў сабаблари ҳақида тўлиқроқ тасвирга эга


бўлиш имкониятини тақдим этди; ходимлар ўртасида ташаббус ва интилиш яратиши, бунинг натижасида фойдаланилмаган имкониятларни тўлиқроқ аниқлашга имкон берди, бу эса самарали технологияларни илмий ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга олиб келди. Оўни конфиденциал аудити натижасида Оў асосий сабаблари ҳақида далилларни тақдим этиш, бизга клиник амалиёт бўйича миллий даражадаги қўлланмалар, стандартлар, протоколларни ишлаб чиқиш ёки қайта кўриб чиқиш, шунингдек, она саломатлиги дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берди. Мамлакатда оналар ўлимини конфиденциал аудитини кенг жорий этиш, Оўнинг асосий сабаблари бўлган қон кетиш, ПЭ ва ГС бўлган ҳомиладор, туғруқдаги ва туғруқдан кейинги давридаги аёлларга юқори сифатли ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун асосий омил ва мамлакатда Оўни камайтириш учун фундаментал захира ҳисобланади.

Тўртинчи бобнинг «**Қон кетишдан оналар ўлимини камайтириш захиралари - қонни тежовчи технологиялар**» биринчи бўлимида АҚКда бачадон ичи балон тампонадаси (ББТ) усулини қўллаш натижалари келтирилган. Асосий гуруҳда туғруқдан кейинги қон кетиш билан асоратланган 50 та аёлга (40 нафари вагинал туғруқдан кейин ва 10 нафари КК амалиётидан кейин) стандарт чора-тадбирларга қўшимча равишда ББТ ўтказилди, таққослаш гуруҳида – туғруқдан кейинги қон кетиш билан асоратланган ва ББТ қўлланмаган 50 аёл иштирок этди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, АҚК ни стандарт комплекс даволашдан ташқари, ББТ қўлланилган гуруҳда қон йўқотишнинг умумий ҳажми ($998,6 \pm 142$ мл табиий туғруқда, $p=0,047563^*$) ва ККда $1297,5 \pm 244$ мл, $p=0.039463^*$), ББТ қўлланмаган таққослаш гуруҳга нисбатан ($1498,2 \pm 202$ мл табиий туғруқда, $p=0.047563^*$ ва 1988 ± 226 мл ККда, $p=0.039463^*$. 5-расм) камайганлиги аниқланди. Бачадон ички баллон тампонадаси бачадондан қон кетишни 750-999 мл (27,5% да) ва 1000-1499 мл оралиғида (52,5% да) тўхтатишга имкон берганлиги аниқланди, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич - мос равишда 20% ва 30% ни ташкил етди. (OR 1.517; 95% CI 1.536-4.293* ва OR 2.579; 95% CI 1.030-6.457*), асосий гуруҳда массив қон кетиш улуши ББТ бўлмаган гуруҳга қараганда 90% га камайди: 1500 мл ва ундан юқори қон кетиш асосий гуруҳда аниқланмади, таққослаш гуруҳида эса - 11 (27,5%) ҳолатларда 1500 мл ва ундан юқори диапазонда қон кетиш кузатилди (OR 0.077; 95% CI 0.009-0.635*) (жадвал 1). Асосий гуруҳда эритроцитлар массаси аёлларнинг 43% га, таққослаш гуруҳида эса 68% га қуйилди, асосий гуруҳда ($167,77 \pm 87,56$ мл) трансфузия қилинган эр-массанинг ўртача ҳажми таққослаш гуруҳига нисбатан ($512,64 \pm 102,22$ мл) 3 барабар кам ($p = 0,012350$). Асосий гуруҳда янги музлатилган плазма туққанларнинг 22% га, назорат гуруҳида эса 51% га қуйилди. Қон кетишдан кейинги Нв даражаси қон йўқотиш миқдори билан аниқ тесқари боғлиқлик аниқланди. Асосий гуруҳда бошланғич ва қон кетишдан кейин Нв даражаси ўртасидаги фарқ ($14,22 \pm 3,17$ г/л) таққослаш гуруҳига қараганда 2 барабар паст эди ($27,45 \pm 4,15$ г / л), ($p = 0,013328$).


Жадвал 1.

Асосий (1,3 гуруҳ) ва таққослаш (2,4 гуруҳ) гуруҳларида қон кетиш хажми бўйича частотаси

Қон кетиш хажми мл	1 асосий гуруҳ		2 таққослаш гуруҳ		OR	95% CI	3 гуруҳ асосий		4 гуруҳ таққослаш		OR	95% CI
	n=40	%	n=40	%			n=10	%	n=10	%		
500-749	8	20	9	22,5	0.861	0.295-2.518	1	10	0	0	1.000	0.054-18.575
750-999	11	27,5	8	20	1.517	1.536-4.293*	1	10	1	10	1.000	0.054-18.575
1000-1499	21	52,5	12	30	2.579	1.030-6.457*	3	30	1	10	0.259	0.022-3.063
1500-1999	0	0	10	25	0.077	0.009-0.635*	3	30	4	40	1.556	0.244-9.913
2000-2999	0	0	1	2,5	0.487	0.042-5.599	2	20	4	40	2.667	0.361-19.712
3000-3999	0	0	0	0	0		0	0	0	0		



5-расм. Қон кетиш хажми



6-расм. Кесар кесиш вақтида томирларни превентив боғлаб қўйишдан сўнг туғуруқдан кейинги қон кетиши ва гистерэктомия (%)

Асосий гуруҳда 8 ёки ундан ортиқ кун давомида касалхонада бўлган беморларнинг сони таққослаш гуруҳига қараганда 3 баравар кам (мос равишда 5% ва 16,8%) ($p < 0,05$). Туғруқдан кейинги қон кетишларда диагностика учун «Тампонада тести» консерватив чораларнинг самарасизлигини ўз вақтида аниқлашга ва лапаротомия ва жарроҳлик гемостазга эрта ўтишга ёрдам берди, бу органларни сақлаш операциялари самарадорлигини 2,9 баравар оширди ва қон кетишдан кейин репродуктив функциясини сақлаб қолган аёллар улушини оширди. Асосий гуруҳда қон кетиши туфайли гистерэктомия 1 (2,0%) ўтказилди ва таққослаш гуруҳида – 5 нафарда (10,0%) (OR 0,184; 95% CI 1,021-6,133*) да амалга оширилди, бу органни олиб ташлаш операцияларни 92% га камайтирди. Аёлларда туғруқдан кейин қон кетишларда БТТ самарадорлиги 88% (44/50) ни ташкил этди. Бачадоннинг УБТдан фойдаланишнинг соддалиги ва хавфсизлиги ушбу технологиянинг республика акушерлик муассасаларида кенгрок тарқатиш имкониятидан далолат беради, бу эса туғруқдан кейинги қон кетишининг

салбий оқибатларини камайтиришга ёрдам беради.

Миллий акушерлик стандартларига кўра, бачадон артерияларини боғлаб қўйиш бачадон атонияси туфайли қон кетишида, яъни консерватив чоралар самара бермасдан, қон кетиши давом этаётган ҳолатларда қўлланади. Биз КК вақтида бачадон томирларини превентив боғлаб қўйишни қон йўқотишни камайтириш ва туғруқдан сўнгги кўп қон кетишининг олдини олиш учун, яъни атоник қон кетиши хавфи мавжуд бўлганда амалга оширдик. Ушбу бобнинг иккинчи бўлимида массив қон кетиши хавфининг омилларини аниқлаш учун ретроспектив когорт тадқиқот натижалари берилди: асосий гуруҳ Оўнинг 122 ҳолатини ўз ичига олди, гуруҳга КК орқали туққан ва биринчи 24 соат ичида 1500 мл ёки ундан ортиқ қон йўқотиши кузатилган ёки аёлга дастлабки 48 соат ичида 2 ёки ундан ортиқ доза қон қуйилиши қайд этилганлар кирган. Солиштирилган гуруҳга биринчи 24 соат ичида 1500 мл ёки ундан ортиқ қон йўқотиши кузатилаагаган ёки аёлга дастлабки 48 соат ичида 2 ёки ундан ортиқ доза қон қуйилиши қайд этилмаган 950 аёллар кирган. ККдан кейин туғруқ вақтида ва туғруқдан кейинги эрта даврда массив қон кетиши юқори хавфининг қуйидаги омилларини аниқлади: оғир ПЭ (хавф 3,2 марта ошган - OR 3.224; 95% CI 1.449-5.161*), нормал жойлашган йўлдошнинг барвақтидан кўчиши (НЖЙБК) (2,7 марта ошган - OR 2.734; 95% CI 1.449-5.161*), НЖЙБК+ҳомиланинг антенатал ўлими, ҲЎЁГ/HELLP(хавф 7.8 марта ошган - OR 7.816. 95% CI 3.870-15.782*), йўлдошнинг олдинда жойлашуви (хавф 2.6 марта ошган -OR 2.623. 95% CI 1.207-5.698*), тос-бош диспропорцияси (хавф 1.6 марта ошган- OR 1.681. 95% CI 1.915-3.09*), кўп ҳомиладорлик (хавф 2.2. марта ошган - OR 2.02. 95% CI 1.949-4.307*), ҳомиладорлик давридаги оғир анемия ($Hb \leq 70$ г/л) (хавф 2 марта ошган- OR 2.285. 95% CI 1.063-4.910*), айниқса, хавф ўта юқорилиги НЖЙБК ва антенатал ўлим ҳолатида кузатилган (хавф 30 марта ошган - OR 31.65. 95% CI 15.466-64.778*). 35 ёш ва ундан катта ёшдаги ҳомиладор аёлларда, шунингдек, юқоридаги ҳолатлар билан биргаликда эрта туғилишда хавф сезиларли даражада ошди. Хавфли гуруҳларда КК пайтида бачадон томирларини профилактик боғлаш самарадорлигини аниқлаш учун проспектив когорт тадқиқоти ўтказилди, унда асосий гуруҳга биз томонидан аниқланган массив қон кетиш хавфи омиллари бўлган 318 ҳомиладор аёллар киритилган, уларга КК пайтида бачадон томирларини (бачадон артериялари ва веналари, юмалоқ бойлам) профилактик боғлаш жарроҳлиги ўтказилган. Таққослаш гуруҳига юқорида кўрсатилган массив қон кетиш хавфи бўлган 224 ҳомиладор аёллар киритилган, уларга КК пайтида бачадон томирларини профилактик боғлаш бажарилмаган. КК пайтида 2 жуфт томирни профилактик боғлаш қўлланилган асосий гуруҳда интраоперацион қон йўқотиш 1,4 марта ($569,4 \pm 175,2$ мл ва $815,8 \pm 152,4$) ва операциядан кейинги қон кетиш - 1,9 марта ($249,8 \pm 184,4$ мл ва $463,6 \pm 141,8$ мл) ($p < 0,05$) камайди. Туғруқдан кейинги массив қон йўқотиш (1500 мл дан ортиқ) 7,9 марта ($p < 0,05$) камайди, қуйилган эритроцитар масса ҳажмининг 3 мартага ($p < 0,05$) камайиши ҳамда туғруқдан кейинги кўп қон кетишлари сабабли гистерэктомиялар сони қисқариши қайд этилди: асосий гуруҳда қон кетиши

сабабли бачадон экстирпацияси 0,3% (1) ҳолатда, назорат гуруҳида 4,9% (11) ҳолатда ўтказилди ($p < 0,05$) (6-расм). РПМда 2011 ва 2014-2019 йилларда 13159 та КК операциялари ўтказилди, улардан 2014-2019 йилларда 1604 нафар АҚК га юқори хавфли гуруҳда бачадон томирларини профилактик боғлаш амалга оширилди ва бу массив оғир қон кетишлар сонининг 3 баробар камайишига ва қон кетиши туфайли амалга оширилган гистерэктомия сонининг 50% га камайишига олиб келди. Хавфли гуруҳларда КК пайтида бачадоннинг асосий томирларини профилактик боғлаш массив қон йўқотилишини (1500 мл дан ортиқ) 95% га (224/223) камайтиришда самарали бўлиб, АҚКдан ОЎни камайтиришга ёрдам беради.

Акушерлик амалиётида массив қон кетишига олиб келадиган плацентанинг бачадонга ўсиб кириши - placenta accreta (РА) туғруқнинг 3-даврининг жуда кам учрайдиган патологияси эди, аммо сўнгги 10 йил ичида бутун дунёда ушбу патологиянинг кўпроқ учраши кузатилмоқда, бу кесар кесиш амалиёти частотасининг ўсиши билан боғлиқлиги қайд этилмоқда [Латмшкевич, О. А, 2019, Вуколова В.А., 2018]. Fonseca A, Ayres de Campos D.(2021г) маълумотларига кўра, плацентанинг бачадонга ўсиб кириши онанинг касалланишини 18 марта оширади, йўлдошни олиб ташлашга уринишдан кейин кўп қон кетиш энг кўп учрайдиган асорат бўлиб, онанинг жиддий касаллигига ва охир-оқибат, она ўлимига олиб келиши мумкин. плацентанинг бачадонга ўсиб кириши - placenta accreta учун хавф омилларини аниқлаш учун биз асосий гуруҳни – плацентанинг бачадонга ўсиб кириши аниқланган 56 аёлни ва назорат гуруҳини - placenta accreta аниқланмаган 5361 аёлни таққосладик. Placenta accreta 30-34 ёшлар тоифасида 2,4 (OR 2.411. 95% CI 1.398-4.158*) баравар кўп, 35 ва ундан катта ёшдаги аёллар орасида эса placenta accreta бўлмаган гуруҳга қараганда 2.2 (OR 2,261 95% CI 1.134-4.508*) баравар кўп учраши аниқланди. Placenta accreta қайта туғувчи аёлларда ишончли кўпроқ учраши кузатилди: placenta accreta бўлган асосий гуруҳда аёлларнинг 92,86% қайта туғувчилар ва 7,14% биринчи туғувчилар эди (OR 0.130. 95% CI 0.047-0.360*), таққослаш гуруҳида 37,2% - биринчи туғувчилар ва 62,8% қайта туғувчилар, паритет бўйича - учинчи ёки ундан кўп туққанлар асосий гуруҳда кўпроқ эдилар. Placenta accreta хавф омилларини ўрганиш шуни кўрсатдики, placenta accreta учун энг юқори хавф йўлдошнинг олдинда жойлашуви (OR 381,362, 95% CI 7,994-24,063*) ва бачадон чандиғи – хавф 17 баравар ортган (OR 17,016, CI 9,572-30,249*), бачадонда икки марта чандиқ хавфни 8 марта (OR 8,562, CI 4,605-15,922*), уч марта чандиқ - 9 марта (OR 9,443. 2,166-41,157*) хавфни ошириши аниқланди. Анамнезда аборт 13 марта (OR 13,869, CI 7,994-24,063*), ҳатто анамнезда битта хавфи, 2 ёки ундан кўп абортлар каби хавф туғдирган. Кейинги изланишимиз J. M. Palacios Jaraquemada et al.(2004).нинг placenta accretada органни сақлаш бир босқичли методини такомиллаштирган усулимиз самарадорлигини аниқлашга бағишланди. Асосий №1. гуруҳга 35 placenta accreta ли ҳомиладор аёл кирган, уларга J. M. Palacios Jaraquemada et al.(2004).нинг биз томондан такомиллаштирилган усулимиз бўйича амалиёт бажарганмиз, таққослаш гуруҳига плацента аккретаси бўлган 14 нафар

placenta accreta кузатилган аёл кирган, уларда органни сақлаб қолишга уринмасдан гистерэктомия бажарилган. J. M. Palacios Jaraquemada et al.(2004).нинг placenta accretada органни сақлаш бир босқичли методининг такомиллаштирган модели: профилактика мақсадида в/и антибиотик цефалоспорин 1г. юборилган (операциядан олдин 30-60 минут ичида); Транексам кислотаси 1г. в/и лапаротомиягача юборилган; қорин бўшлиғи яхши ревизия учун учун пастки медиан лапаротомия маъкулроқ; рlіса vesicouterіna ўткир ва тўмтоқ тарзда туширилди; бачадоннинг олд девори бўйлаб, йўлдошнинг юқори томонидан кўндаланг кесма қилинди; ҳомила олинди; вена ичига Окситоцин 5 ед секин ёки Карбетоцин 100 мкг юборилди; бачадон қорин бўшлиғидан чиқарилди; бачадон артерияси ва венасини, юмалоқ боғлам билан бирга битта лигатурада чап ва ўнг томондан тез сўриладиган синтетик ип (полигактин 370) билан боғланди (кесма остидан игна билан, бачадон олдига кириб, тахминан 2 см бачадон тўқимасини ушланди ва ундан бачадон орқа томонидан чиқилди, кейин бачадоннинг кенг боғламининг аваскуляр зонасидан чиқиб боғланди, бунда 1 лигатурага қон томирлари ва бачадоннинг юмалоқ лигаменти ҳам киради); ҳар икки томондан тухумдон-бачадон артерияларини хромли кетгут билан боғланди; плацентанинг бачадоннинг пастки сегментида олд деворга ўсиб кетган тақдирда, инвазияланган миометрий тўқималарни бутун йўлдош билан бирга резекция қилинди, йўлдошнинг ўсиб кирмаган қисмлари қўл билан олиб ташланди; агар йўлдош бачадоннинг орқа деворига ёки ён деворига ўсиб кирса, йўлдошни қўлда ажратиб олинди, ўсиб кирган жойни скапель ёки қайчи билан кесиб олинди, йўлдош ўрнидан қон кетиш жойларига гемостатик чоклар қўйилди; «П» ёки «Z» шаклидаги гемостатик тикувлар бачадоннинг ички қисмидан ҳам, периметрий томондан ҳам қўлланилди; плацентанинг барча ўсган жойларини олиб ташлаш қийин бўлса, плацентанинг бўлакларини 3x3 см дан камроқ қолдиришга рухсат берилади, бу ҳолда асосий мақсад плацента тўшагидан қон кетишини тўхтатишдир; бачадон кесмасига 2 қаторли узлуксиз ёки 1чи қатор алохида, 2 қатор узлуксиз чок («Викрил») қўйилди: бачадонни қайта тиклаш (метропластика) қилинди; «П» ёки «Z» шаклидаги гемостатик чокларни, периметрий томондан бачадоннинг пастки сегментига, агар кўрсатма бўлса - Перейра, Cho компрессион чоклари қўйилди; бачадонни қорин бўшлиғига киритилди; қорин бўшлиғини ревизия қилинди; қорин бўшлиғига дренаж қўйилди, (қон кетишини назорат қилиш учун); қорин олд девори тикилди. Операция СМА да оғриқсизлантирилади, қон йўқотишнинг кўпайиши билан, агар кўрсатма бўлса, умумий эндотрахеал наркоз қўшимча равишда амалга оширилади. Операциядан олдин аёлга ўзининг гурухли 3 доза эр-масса ва 6 доза ЯМП тайёрланади. Агар операция пайтида тез қон кетса ёки 2500 мл дан ортиқ қон кетса, органни сақлаш операцияси тўхтатилди ва гистерэктомия қилинди. 1-жадвалда тадқиқот гурухларида қон йўқотиш ва қон қуйиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Жадвал 2.

Асосий ва таққослаш гурухида қон кетиш ва гемотрансфузия


	Группа 1(асосий).n=35	Группа №2 (таққослаш) n=14	Стьюдент t-критерий, p
қон кетиш ўртача миқдори	1650±158мл	2340±172мл	p=0.004925*
гемотрансфузия	29 82,9%	14 100%	p=0.65874
эр-масса, доза	1,7±0,9 ед	4,8±1,2 ед	p=0.031474*
СЗП доза	2,2±0,8	6,7±1,8	p=0.027002*

Биз таклиф қилган бир босқичли бачадонни сақлаб қолувчи жарроҳлик услубининг самарадорлиги асосий гуруҳда 94,3% ни (33/35) ташкил этди, гистерэктомия 2 нафариди (5,7%) ўтказилди. Асосий гуруҳда қон йўқотиш ҳажми, қон препаратлари трансфузиясининг ҳажми таққослаш (гистерэктомия) гуруҳидагига нисбатан ишончли тарзда кам бўлди. Гипотоник қон кетишларида ББТни қўллаш, КК вақтида бачадоннинг асосий томирларини превентив боғлаб қўйиш, плацентани бачадонга ўсиб киришганида аъзоларни сақловчи технологиялар – биз фойдаланган бу усулларга яқун ясаб, хулоса қилишимиз мумкинки, улар ўткир кўп қон йўқотиш оқибатида ОЎ хавфини камайтиришнинг самарали усуллари бўлиб, республикамизда акушерлик амалиётида кенг қўлланиши мумкин.

Бешинчи бобда «Эрта ва кеч преэклампсияда оналик ва перинатал натижалар. Эрта ва кеч преэклампсияни кутиш ва фаол олиб бориш тактикасининг қиёсий таҳлили» эрта преэклампсия (ПЭ) ва кеч преэклампсия ПЭ билан асоратланган ҳомиладорлик натижаларининг батафсил қиёсий таҳлили тақдим этилган. 1-гуруҳга эрта ПЭ бўлган 244 нафар бемор, 2-гуруҳга – кеч ПЭ билан касалланган 423 бемор кирган. Эрта ПЭ ва кеч ПЭ бўлган ҳомиладор аёлларда эклампсия, ХЎЁГ ва HELLP синдроми каби акушерлик асоратлари статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги аниқланди, аммо эрта ПЭда ўпка шиши (2,9% - OR 6.217. 95% CI 1.281-30.171*), жигар (4,9%- OR 3.074. 95% CI 1.194-7.916*) ва буйрак етишмовчилиги (6,5%- OR 3.640. 95% CI 11.534-8.637*), йўлдошнинг барвақт кўчиши (15,5% OR 2.706. 95% CI 1.606-4.557*), туғруқдан кейин қон кетиш (11,8% OR 1.147. 95% CI 1.227-3.759*) кеч ПЭ гуруҳидан кўпроқ учраши аниқланди. Соматик патологиялар орасида АФС (4,5% OR 3.281. 95% CI 1.198-8.987*), гломерулонефрит (4,9% OR 3.595. 95% CI 1.332-9.704*), оғир анемия (6,5% OR 2.628. 95% CI 1.199-5.760*), тромбоцитопения (19,6% OR 3.097. 95% CI 1.910-5.020*), хроник гипертензия (59,4% OR 3.452. 95% CI 2.483-4.801*), эрта ПЭ гуруҳида кўроқ учраши аниқланди. Кеч ПЭ бўлган ҳомиладор аёлларда эрта ПЭ ҳомиладор аёлларга қараганда семизлик (15,1% OR 0,698. 95% CI 0,432-1,128*), буйрак йўллари инфекцияси (31,4% OR 0,695. 95% CI 0,486-0,995*) кўпроқ учраши аниқланди. Эрта ПЭнинг перинатал натижаларга салбий таъсири аниқланди: ПЭнинг оғирлик даражаси таъсири билан бирга эрта ПЭ да гестацион муддат (22-33 ҳафта) хомила ҳолатига, чақалоқларнинг эрта неонатал давридаги ҳолатига таъсир қилиб, ўта салбий кўрсаткичларга олиб келди- перинатал ўлим (антенатал, интранатал ва эрта неонатал ўлим) эрта ПЭ гуруҳида 9 марта кўпроқ бўлди (OR 9,504. 95% CI 4,963-18,199*). Янги туғилган чақалоқларда асфиксия 3 баравар кўпроқ (OR 3,0991. 95% CI 945-4,936*),

РДС 4,8 марта кўпроқ (OR 4,850. 95% CI 3,207-7,332*) эрта ПЭ гуруҳида аниқланган. Бундан ташқари, эрта ПЭ гуруҳида Апгар шкаласи кўрсаткичи 1чи ва 5чи дақиқада 7 баллдан кам (OR 7,997. 95% CI 5,370-11,908*), 5чи дақиқада 3 баллдан кам бўлиб туғилган янги туғилган чақалоқлар (6.187. 95% CI 2.754- 13.897*) сони кўпроқ учраган. Эрта ПЭ гуруҳида вазни паст бўлган янги туғилган чақалоқлар 8 марта кўп туғилган (OR 8,773. 95% CI 6,031-12,761*), янги туғилган чақалоқларни ЧАРИТБга ўтказиш ПЭ гуруҳига (13,%) қараганда кўпроқ (84,8%) кузатилган. Кейинги тадқиқотимиз ҳомиладорлик даврида 26 ҳафтадан 33 ҳафта 6 кунликкача бўлган эрта ПЭ билан асоратланган 134 аёлда ва 34-36 ҳафта 6 кунликкача бўлган кеч ПЭ билан асоратланган 158 аёлда кутиш тактикаси ва фаол олиб бориш тактикаларининг қиёсий таҳлили бағишланди. Фавқулодда аралашув зарур бўлган барча ҳолатлар (қон кетиш, шок, эклампсия, ҳомила дистресси, бачадон ёрилиши, бошқарувсиз гипертензия, ўткир буйрак етишмовчилиги ва бошқалар) тадқиқотдан чиқариб ташланди. Кутиш тактикаси табиий йўллар орқали туғиш учун кўпроқ имкониятларни тақдим этиши аниқланди, чунки бу гуруҳларда туғруқ индукцияси ўтказилган ва кутиш тактикаси қўлланган эрта ПЭ гуруҳида 25 (33,1%) аёлларда (OR 0,038. 95% CI 0,005-0,289*), кеч ПЭ гуруҳида 29 (40,8%) аёлда табиий йўл орқали туғруқ бўлди (OR 0,552. 95% CI 0,283-1,075*), фаол бошқарув гуруҳида эса, эрта ПЭ бўлган аёлларнинг барчасида (100%) КК амалиёти ўтказилди (OR 26.41. 95% CI 3.456-201.893*), кеч ПЭ бўлган гуруҳда 59.2%да КК ўтказилди (OR 1.813. 95% CI 0.930-3.532*). Кутиш тактикаси қўлланилган эрта ва кеч ПЭ ларда ҳомиладорларда (гарчи бу маълумотлар статистик ишончли аҳамиятга эга бўлмасада) жигар ва буйрак дисфункцияси (кеч ПЭ гуруҳида 47%га), бошқарувсиз гипертензия (кеч ПЭ гуруҳида 40%га), ўпка шиши (20%га), ПОНРП (30% ва 47% га)ошиши кузатилди. Шу билан бирга, кутиш тактикаси қўлланган эрта ПЭ ва кеч ПЭ гуруҳларида дошплерда ҳомила ҳолати ёмонлашиши қайд етилган (48% ва 31%), шу билан бирга, гарчи бу маълумотлар статистик ишончли аҳамиятга эга бўлмасада эрта ПЭ гуруҳида ўлик туғилишининг бироз кўпайиши аниқланди (31%га, OR 0,691. 95% CI 0,061-7,812*). Бу маълумотлар ПЭ кутиш тактикасида олиб борилганда она ва ҳомила ҳолатини диққат билан мониторинг қилиш кераклигини кўрсатади. Кутиш тактикаси қўлланган эрта ПЭ гуруҳида чақалоқлар учун ижобий натижалар кузатилди: РДС билан янги туғилган чақалоқлар сони 2,3 баравар камайди (OR 2,343. 95% CI 0,005-0,289*), бу эса O2 ёки сунбий ўпка вентиляцияга бўлган эҳтиёжни 3,6 мартага пасайишига олиб келди (OR 3,9692. 95% CI 1,667-8,176*), янги туғилган чақалоқларни ЧАРИТБга ўтказишни 2,3 марта (OR 2,342. 95% CI 1,055-5,226*) камайди. Эрта ПЭда фаол тактика қўлланган гуруҳда эрта неонатал ўлим, кутиш тактикаси қўлланган гуруҳга қараганда 2,2 баравар юқори бўлди, лекин бу натижа ўлимлар сонининг пастлиги туфайли статистик тасдиқланмади (OR 2,298. 95% CI 0,768-6,879). Кеч ПЭ гуруҳида (34-36 ҳафта 6 кун) фаол олиб бориш ёки кутиш тактикаси таққосланганда, чақалоқлар касалланиши ёки бошқа натижаларида статистик аҳамиятга эга фарқлар топилмади.

Олтинчи бобда «Перипартал инфекцияда оналар ўлимини камайтириш захиралари» асосланди. Юқорида аниқлаганимиздек, генитал сепсис (ГС)дан ОЎ учун муҳим хавф омилларидан бири КК бўлиб, ўлганларнинг аксарияти (64,5% -66%) ККдан кейин сепсис билан касалланган. Адабиётларга кўра, дунё бўйлаб КК частотасининг ошиши билан перипартал инфекциянинг кўпайиши тенденцияси кутилмоқда (Bakhtawar, S., Sheikh, 2020], ва бу тенденция бизнинг мамлакатимизда ҳам КК амалиёти доимий ўсиб бориши туфайли кутилмоқда. Юқорида аниқлаганимиздан, ўлимга сабаб бўлган асосий омилларга ГС ташхиси кеч кўйилгани ва инфекция ўчоғини олиб ташлашнинг кечикиши кирган. ГСни ўз вақтида ташхислаш ва КК дан кейин даволаш учун биз эндовизуал гинекологиянинг замонавий имкониятларидан ва орган сақловчи усуллардан фойдаланишни таклиф қиламиз. Ушбу тадқиқот РПМ гинекология бўлимида бўлим мудири Гафуров Ж.М. билан биргаликда олиб борилган. Тадқиқотимизда жами КК операциясидан кейин перипаратал инфекцияси бўлган 65 аёл иштирок этган: асосий гуруҳга 43 нафар аёл, таққослаш гуруҳига 22 нафар аёл киритилган. Асосий ва таққослаш гуруҳидаги КК кўрсатмалар куйидагилар эди: чаноқ бош номутаносиблиги (9-20,9%; 7-31,8%), ҳомила ўткир дистресси (5-11,6%; 3-13,6%), оғир ПЭ (5-11,6%; 3-13,6%;), бачадон чандиғи (5-11,6%; 3-13,6%), ҳомиланинг чаноқ билан келиши (3-6,9%; 2-9 %), НЖЙБК (4-9,3% -29%; 1-4,5%), йўлдошнинг олдинда жойлашиши (асосий гуруҳда 4-9,3%), ҳомиланинг кўндаланг ҳолати (3-6,9%; 1- 4,5%), эгизаклар (3-6,9%; 1-4,5%), юрак-қон томир касалликлари (асосий гуруҳда 1-2,3%) ва юқори миопия (таққослаш гуруҳда 2-9%). Аёллар перипаратал инфекцияси билан туғруқдан кейинги даврнинг 6-37 кунларида, асосий гуруҳда ўртача 12,88±6,87 кун, таққослаш гуруҳида ўртача 11,23±4,55 кунда ($p>0,05$) қабул қилинган, гуруҳлараро ёши, паритет бўйича, туғруқдан кейинги сана бўйича статистик фарқ бўлмаган. Таққослаш гуруҳидаги барча 22 беморга миллий клиник протоколлар бўйича анъанавий даволаш (комбинацияланган антибактериал терапия, инфузион терапия, бачадон бўшлиғини кюретаж/вакуум аспирацияси) ўтказилди, даволашнинг таъсири бўлмай, касалланиш жадаллашганда релапаротомия ва гистерэктомия ўтказилди. Беморларнинг асосий гуруҳи 7-расмда келтирилган, кесар кесишли туғруқдан кейинги йирингли-септик касалликлар учун биз томонидан ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш алгоритмига мувофиқ олиб борилди. 3-жадвалда асосий гуруҳда амалга оширилган аралашувлар кўрсатилган.





7-расм. Кесар кесишдан кейин перипаратал инфекцияли аёлларни даволаш ва олиб бориш алгоритми

Қабул қилинган кунининг 2-4 кунларида 31 (72%) беморда диагностик гистероскопия (ГСК) ўтказилди, барча беморларда эндометрит белгилари намоён бўлди. 5 нафар аёлда (16%) бачадонда КК амалиётдан кейинги чоклар етишмовчили (АКЧЕ)нинг аниқ белгилари, 14 (45,1%) беморларда эса АКЧЕга шубҳа бор эди. 12 (38,7%) беморда АКЧЕ белгилари аниқланмади, улар ва АКЧЕга шубҳа қилинган гуруҳдаги 9 беморда жарроҳлик ГСК ўтказилди. АКЧЕ бўлмаган 12 (38,7%) беморларда эндометритнинг консерватив терапияси жарроҳлик ГСКдан кейин давом эттирилди.

Жадвал 3.

Асосий гуруҳдаги беморларда ўтказилган амалиётлар.

Амалиётлар	Асосий гуруҳ n=43	
Релапаротомия + тотал гистерэктомия	4	9,3%

ГСК+ЛС+релапаротомия+ тотальная гистерэктомия	2	4,6%
ГСК+ЛС	3	6,9%
ГСК+релапаротомия+метропластика	5	11,6%
ГСК	12	27,9%
ГСК+ЛС+релапаротомия+метропластика	9	20,9%
Релапаротомия+метропластика	8	18,6%
Умумий	43	100%

14 (45,1%) ҳолатда АКЧЕ шубҳа қилинган ва уларда лапароскопия (ЛС) ўтказилган. ЛСда 2 беморда АКЧЕ белгилари аниқланмади, уларда қорин бўшлиғини санацияси ва дренажлаш ўтказилди. 1 беморда чокнинг чап бурчагида қисман етишмовчилик кузатилди, чокдаги лигатураларни олиш ва бачадонга лапароскопик усулда иккиламчи чок қўйиш амалга оширилди. ЛС пайтида қорин бўшлиғи ва бачадоннинг пастки сегменти майдони ва параметрийлар диққат билан кўриб чиқилди, кичик тос бўшлиғи ва қорин бўшлиғининг йирингли шикастланишлари аниқланди, бачадондаги чоклар текширилди, операциядан кейинги чокларда некротик ўзгаришлар, гематомалар ва бошқалар аниқланди. ЛС гуруҳидаги 14 беморнинг 11 (78,6%)га релапаротомия ўтказилди. Релапаротомия вақтида АКЧЕ аниқланган 22 беморга метропластикадан ўтказилди ва иккиламчи чоклар қўйилди. Асосий гуруҳдаги 4 та ҳолатда ГСК ва ЛСдан кейин релапаротомия вақтида ёйилган диффуз перитонит аниқланган, бачадонда операциядан кейинги чокларнинг тўлиқ очилиб кетиши, ичаклараро абсцесслар топилган ва шулар туфайли гистерэктомия қилинган. Шундай қилиб, асосий гуруҳда 6 (13,9%) умумий гистерэктомия, назорат гуруҳида 10 (45,4%) гистерэктомия амалга оширилди, бу онанинг репродуктив функциясини сақлаб қолишда КК дан кейин йирингли септик асоратларнинг диагностикаси ва даволашнинг янги алгоритмининг самарадорлигини кўрсатади (OR 0,1950,95 % CI 058-0,648*). АКЧЕнинг кеч диагностикаси, диффуз перитонит каби оғир асоратлар мавжуд бўлганда, сепсис полиорган етишмовчилиги билан ривожланса, АКЧЕда бачадонда органларни сақлаш операцияларини ўтказишга имкон бермайди, чунки онанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун инфекция манбасини бўлган бачадон олиб ташлаш ҳаётий зарур амалиёт хисобланади. ККдан кейинги перипаратал инфекцияларда ГСК ва ЛС туғруқдан кейинги асоратларни ўз вақтида ташхислашда самарали усул эканлиги ва бачадон, қорин бўшлиғини санация қилиш, туғруқдан кейинги инфекцияни умумлаштиришнинг олдини олишнинг ишончли ва самарали чораси эканлиги аниқланди, бу амалиётлар яллиғланиш жараёнини тезроқ бартараф этишга, жароҳатни даволашга ва АКЧЕ бўлганида репродуктив функцияни сақлашга ёрдам беради. «Перинатал ёрдам сифатини оширишда акушерликдаги критик ҳолатлар аудитининг самарадорлиги» еттинчи бобида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширишда критик ҳолатлар аудитини (КХА) самарадорлигини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари берилган. 2011-2019йй. давомида РПМ да 95 да КХА аудити цикли ўтказилган бўйича маълумотлар таҳлил қилинди. КХА аудити ССВ нинг 2007 йил 428-буйруғи ва 2019 йил 313а-буйруғи асосида ўтказилган. Аудит

циклидаги 95 ҳолатлар: 40та (42,1%) «қон кетиш» критик ҳолати бўйича, 35 таси (36,9%) «преэклампсия», 18 таси (18,9%) «сепсис», 2(2, 1%)таси бачадон ёрилиши бўйича ўтказилган. Хомиладор/туғруқ пайти/туғруқдан кейинги даврдаги аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишда аниқланган камчиликлар тоифалар бўйича 4-жадвалда келтирилган.


Жадвал 4.

Тиббий ёрдам кўрсатишда аниқланган камчиликлар

тоифалар	йиллар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	ўртача
РПМга қабул қилиш		11%	9%	8%	7%	9%	11%	5%	7%	9%	8,5%
Ташхис қўйиш		15%	19%	21%	18%	11%	9%	20%	22%	21%	17,3%
Даволаш, олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш		17%	21%	18%	21%	24%	12%	11%	20%	25%	18,8%
Мониторинг ва кейинги даволаш		24%	22%	17%	25%	26%	32%	35%	28%	26%	26,1%
Стационардан чиқариш		18%	14%	27%	23%	22%	19%	11%	9%	8%	16,7%
Тиббий хужжатларни олиб бориш		13%	15%	9%	6%	6%	15%	18%	14%	11%	11,9%
бошқалар		2%	0	1%	1%	2%	2%	0	0	0	0,8%

КХАда кўпинча хомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги даврда беморнинг ҳолати етарли даражада мониторинг қилинмагани аниқланган, бу асоратларни ташхислашнинг кечикишига ва 26,1% ҳолатларда шошилиш ёки режалаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг кечикишига олиб келган. 18,8% ҳолларда акушерлик тактикасини ишлаб чиқиш ва нораціонал туғиш билан оқибатида келиб чиққан асоратларга олиб келдиган муаммолар 18,8% ҳолларда, хомиладорлик/туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг соматик патологияси ва асоратлари диагностикасида нораціонал текширув ва камчиликлар 17,3% ҳолда, тиббий хужжатларни олиб боришдаги камчиликлар 11,9%, аёлни стационардан чиқариш пайтида текширув ва беморни кейинги даволаниши бўйича тавсияларнинг етарли бўлмаганлиги 16,7% ҳолатларда аниқланган. Тиббий ёрдам сифатига энг катта таъсир кўрсатган омил - ходимлар билан боғлиқ муаммолар сабаб бўлди -31,3%, бу шифокорлар ва акушерларнинг қон кетиш, преэклампсия/эклампсияда шошилиш ёрдам кўрсатишдаги кўникмаларининг етишмаслиги, акушерлик тактикасини ташхислаш ва ишлаб чиқиш бўйича ходимларнинг етарли даражада билимга эга эмаслиги шифокорлар ва доялар ўртасидаги алоқа ва жамоавий ёрдам кўрсатиш етарли даражада эмаслиги ва бошқалар. Кейинги муҳим муаммо - мавжуд клиник протоколларга риоя қилмаслик, ходимларнинг мавжуд клиник протоколлар ва стандартларни етарли даражада билмаслиги, соматик патологияси бўлган беморларни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган протоколларнинг йўқлиги, протоколларга риоя этилиши устидан назоратнинг етарли эмаслиги ва бошқалар - 28,4% ни ташкил этди. Тиббий ёрдамни ташкил этишдаги нуқсонлар (тунги вақтда қон

маҳсулотларини етказиб бериш билан боғлиқ муаммолар туфайли қон қуйишнинг кечикиши, кечаси ходимларнинг етишмаслиги туфайли беморни кузатиш билан боғлиқ муаммолар, АРИТ бўлимига жой етишмаслиги туфайли муаммолар, лаборатория хизмати билан боғлиқ муаммолар, маслаҳатчи ва тор мутахассисларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар, ёш шифокорлар устидан навбатчи масъул шифокорларнинг назорати етарли эмаслиги, доя ва ҳамширалар ишини ташкил этишдаги нуқсонлар ва бошқалар) 23,6% аниқланган. Дори воситалари ва жиҳозлар билан боғлиқ муаммолар 11,2% ва 8,8% аниқланди. Топилган камчиликлар бўйича 9 йил давомида 208 та тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Акушерлик ёрдами сифатини ошириш бўйича критик ҳолатларнинг аудити самарадорлигини ўрганиш учун ЖССТнинг «Оналар ва янги туғилган чақалоқларга стационар ёрдам сифатини баҳолаш воситаси» кўрсаткичлари қўлланилди (ЖССТ 2009й.,1- нашр, ЖССТ 2014й., 2-нашр) Ҳар бир кўрсаткич 4 баллли тизим бўйича баҳоланди: 3 балл - ёрдам клиник протокол ёки халқаро стандартга мувофиқ кўрсатилди; 2 балл - ёрдамнинг субоптимал даражаси, аммо беморларнинг соғлиғи учун жиддий хавф йўқ, беморларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинган (стандартларга жавоб берадиган сифатга эришиш учун баъзи ўзгартиришлар керак); 1 балл - парваришнинг етарли даражада эмаслиги, беморларнинг соғлиғига жиддий хавф туғдириши, аёллар ва янги туғилган чақалоқларнинг ҳуқуқларининг жиддий бузилиши. Стандартларга жавоб берадиган сифатга эришиш учун сезиларли даражада ўзгаришлар талаб этилади; 0 балл - беморларнинг соғлиғига жиддий хавфларга эга сифати ўта паст ёрдам кўрсатилиши аниқланди. Кўрсатилаётган ёрдам тизимли, қатта ўзгартиришни талаб қилади. Талаб қилинган кўрсаткич - 2,5 балл(яхши сифатли тиббий ёрдам) ва ундан юқори. 8-расмда 2011, 2015, 2017 ва 2019 йилларда РПМ ни ЖССТнинг ушбу воситаси ёрдамида баҳолаш натижалари берилди. ЖССТ баҳолаш воситалари кўрсаткичлари бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш сифатининг мониторинги натижалари шуни кўрсатдики, 2011 йилдан 2019 йилга келиб, тиббий ёрдамнинг яхши сифатига (2,5 балл ва ундан юқори) эришиш учун баллнинг ўсиши қуйидаги тоифаларда кузатилди: асоратланган туғруқни бошқариш, (66%га), шошилиш тиббий ёрдам (47% га), преэклампсияни бошқариш (82%га), акушерлик қон кетиш (55% га), эрта туғилишни бошқариш (40% га), генитал сепсис (44% га) ва клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш (47%). Шундай қилиб, акушерликда критик ҳолатларни аудити ҳомиладор/туғруқ/туғруқдан кейинги даврдаги оналарга тиббий ёрдам сифатини батафсилроқ баҳолашга, қўлдан бой берилган имкониятларни аниқлашга, топилган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга ва уларни амалга оширишга ёрдам берди, бу эса ҳомиладорлик асоратларини бошқариш сифатининг ошишига, рационал шошилиш акушерлик ёрдами ташкил этиш, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни такомиллаштирди.



8-расм. Тиббий ёрдам сифатини баҳолаш

Шундай қилиб, тадқиқотимиз оналар ўлими ва акушерликдаги критик ҳолатларнинг конфиденциал аудити, соғлиқни сақлаш амалиётининг энг заиф нуқталарини аниқлаш ва оналар ўлимининг олдини олиш ва камайтириш муаммоларини ҳал қилиш йўллари белгилаш имконини беришини исботлайди; диагностика усуллари такомиллаштириш, акушерлик амалиётидаги асосий фавқулодда вазиятлар – акушерликда қон кетиш, преэклампсия, генитал сепсисни даволашга дифференциал ёндашув бўйича инновацион амалий ва ташкилий технологияларни жорий этишнинг қонунийлигини кўрсатди.

Иқтисодий самарадорлик.

Ишлаб чиқилган усуллар ва технологияларнинг тиббий ва иқтисодий самарадорлиги акушерликда массив қон кетиш частотасини 90%га, қон қўйиш частотасини 3 бараварга, бачадонни олиб ташлашни 92%га, АРИТ бўлимида даволаниш муддатини 2 бараварга (бачадон ичи баллон тампонадасида), операция вақтида ва операциядан кейинги қон йўқотишнинг 1,9 баравар ва массив қон кетиш частотасининг 7,9 баравар, қон қўйиш ҳажмини 3 баробарга камайишини (бачадон томирларини профилактик бойлашда) ўз ичига олади. Преэклампсияни даволашда дифференциал ёндашув КК операциялари сонининг 40% га қисқаришига ва янги туғилган чақалоқларнинг АРИТ бўлимига ўтказилишини 2 баравар камайишига олиб келди. Бачадонга йўлдош ўсиб кирганида қўлланилган янги усул 94,2% аёлларда бачадонни сақлашга ва гемотрансфузияни 3 баравар камайишига олиб келди. Кесар кесишдан кейинги генитал сепсисни даволашнинг ишлаб чиқилган алгоритми эрта ва юқори аниқлик билан ташхис қўйиш имконини берди, бу эса самарали, шу жумладан органларни сақлаш тактикасини ўз вақтида танлаш, беморнинг АРИТ бўлимида ётиш муддатини 3,3 бараварга қисқартириш имконини берди, аёлларнинг 82%да ҳайз кўриш ва репродуктив функцияларни сақлаб қолиш орқали аёлларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш, оналар ўлими хавфини минималлаштиришга эришилди.

ХУЛОСА

1. Мамлакатда охирги 25 йил ичида оналар ўлими коэффициенти 3,5 бараварга камайди, лекин сўнгги ўн йилликда оналар ўлимининг пасайиш суръати секинлашди. Оналар ўлимининг бевосита сабаблари 76,4% ташкил этди, улар орасида деярли хар учинчи аёл акушерликдаги қон кетиш (34,7%) ёки презеклампися (29,2%), хар олтинчи аёл эса перипартал инфекциядан (16,6%) вафот этиши аниқланди.
2. Ёш тоифалари бўйича оналар ўлими хавфи диаграммаси “J” шаклидаги кўринишга эга ва ривожланган давлатларга хосдир. Аёлнинг ёши ошган сари, оналар ўлими хавфи шунча юқори бўлади: 30-34 ёшда оналар ўлими хавфи 25-29 ёшдагиларга қараганда 2,4 марта юқори (OR 2,458; CI 2,059-2,933*), 35-39 ёшда 5,7 марта юқори (OR 5,772; CI 4,613-7,097*), 40 ва ундан юқори ёшда эса 13,5 марта юқори (OR 13,469; CI 9,323-19,459*). Кесар кесиш частотаси кўпайиши оналар ўлими ошишига олиб келади: кесар кесиш орқали туққанда оналар ўлими хавфи табиий йўл орқали туққан аёлларга исбатан 10 бараварга ошган (OR 10,819; 95% CI 9,387-12,469*).
3. Акушерлик қон кетишлар сабабли 100 000 туғруққа нисбатан оналар ўлими интенсив кўрсаткичи 2013-2019 йилларда 4,5 дан 5,7 га ошган. 35 ёшдан юқори ёшда қон кетиш сабабли оналар ўлими хавфи 20-29 ёшга нисбатан 7,6 баравар юқори (OR 7.678; 95% CI 5.209-11.316*). Кесар кесиш акушерлик қон кетиш бўйича оналар ўлимига хавфни 10 бараварга оширган (OR 10.158; 95% CI 6.780-15.220*). 1 даражали туғруқ муассасаларида АҚК дан оналар ўлими хавфи 3 даражали муассасага нисбатан 5 баравар кўп (OR 5,348; 95% CI 3.313-8.632*). АҚКда оналар ўлимига олиб келган, олдини олиш мумкин бўлган асосий омиллар: кечиктирилган жарроҳлик гемостаз -54,5%-88%; қон кетиш хажмини нотўғри баҳолаш 31,6%-55,8%, органларни сақловчи технологияларидан етарли даражада фойдаланмаслик 35,5%-39,9%, антенатал парвариш сифати пастлиги 38,9%-45,3%, шошилиш акушерлик ёрдам ташкил этишдаги муаммолар 28,7%-36,2%. Акушерликда қон кетиш сабабли оналар ўлимининг 77,3%-67,1%ни олдини олиш мумкин.
4. Презеклампися сабабли 100 000 туғруққа нисбатан оналар ўлими интенсив кўрсаткичи 2013-2019 йилларда 4,3 дан 3,7 га камайган. Жигар етишмовчили - 30,2%, церебрал асоратлар 28,0%, ўткир буйрак етишмовчилиги 21,0%, ўпка шиши 20,0% презекламписяда оналар ўлимига олиб келган. Презекламписяда кесар кесиш орқали туғдиришда оналар ўлими хавфи табиий йўл орқали туғдиришдан 30 баравар кўп (OR 30.892; CI 95% 17.621-54.161). Презекламписяда оналар ўлимига олиб келган, олдини олиш мумкин бўлган асосий омиллар: антенатал парваришнинг етарли эмаслиги (72,0%-41,8%); норационал ҳудудийлаштириш (31,4%-23,6%), антигипертензив терапия (38,3%-44,4%), магнезиал терапия (55,8%-30,9%); норационал мониторинг (40,6%-50,9%); норационал туғдириш (12,7%-23,6%); шошилиш акушерлик ёрдам етарли ташкил

- этилмаганлиги (55,9%-45,7%). Презкламписия сабабли оналар ўлимининг 66,3%-54,5% олдини олиш мумкин.
5. Генитал сепсис сабабли 100 000 туғруққа нисбатан оналар ўлими интенсив кўрсаткичи 2013-2019йилларда 2,62 дан 2,08 га камайган. Кесар кесишдан кейин септик асоратлар сабаб оналар ўлими интенсив кўрсаткичи 14,5 дан 7,5га камайган, аммо кесар кесишда септик асоратлардан оналар ўлими табиий йўл орқали туғруққа нисбатан 14 баравар юқори (OR 14.929; 95% CI 5.995-37.176*). Генитал сепсис сабабли ўлимга олиб келган, олдини олиш мумкин бўлган асосий омиллар: сепсис ташхиси кечиктирилиши (57,1%-79,3%), етарли даражада мониторинг қилмаслик (55,4%-72,4%), инфекция ўчоғини олиб ташлашнинг кечикиши (64,3%-79,3%). Генитал сепсис сабабли оналар ўлимининг 60,7%-67,7% олдини олиш мумкин.
 6. Туғруқдан кейинги қон тўхтатишда бачадон ичи балон тампонадаси самарадорлиги 88% (44/50)ни ташкил этди. Бачадон ичи балон тампонадасидан фойдаланиш, диагностик «тампонада тести»ни қўллаш, массив қон кетишлар частотасини 90% га (OR 0,077; 95% CI 0,009-0,635*), қон қуйишни 3 марта камайтирилишига олиб келди ($p=0,012350^*$), қон кетишдан кейинги гистерэктомия амалиётини 92%га камайтирди (OR 0,184; 95% CI 1,021-6,133*).
 7. Кесар кесиш ва ундан кейинги даврда массив қон кетишга юқори хавф оғир презкламписияда (хавф 3.2 марта ошиши - OR 3.224; 95% CI 1.449-5.161*), ХЎЁЖГ/HELLP да хавф 7.8 марта ошиши (OR 7.816; 95% CI 3.870-15.782*), йўлдошнинг барвақт кўчишида хавф 2.7 марта ошиши (OR 2.734; 95% CI 1.449-5.161*), йўлдошнинг олдинда жойлашишида хавф 2.6 марта ошиши (OR 2.623; 95% CI 1.207-5.698*), чаноқ-тос мутаносиблигида хавф 1.6 марта ошиши (OR 1.681; 95% CI 1.915-3.09*), кўп хомилаликда хавф 2.2. марта ошиши (OR 2.02; 95% CI 1.949-4.307*), оғир анемияда хавф 2 марта (OR 2.285; 95% CI 1.063-4.910*), айниқса йўлдошнинг барвақт кўчиши+хомила антенатал ўлимида хавф 30 марта ошиши (OR 31.65; 95% CI 15.466-64.778*) аниқланди. Кесар кесиш амалиёти пайтида массив қон кетишга юқори хавфи бўлган гуруҳда бачадон қон томирларини превентив бойлаш кесар кесиш амалиёти пайтида ва ундан кейинги қон кетишни 1,9 марта ($p<0,05$), массив қон кетишларни 7,9 марта ($p<0,05$), қон қуйиш холатларини 3 марта ($p<0,05$), гистерэктомия амалиётини 10 марта камайишига олиб келди ($p<0.05$).
 8. Йўлдошнинг бачадонга ўсиб киришига хафли омиллар қуйидагилар: йўлдошнинг олдинда жойлашиши (OR 381.362; 95% CI 7.994-24.063*) ва бачадон чандиғи: хавф 17 марта (OR 17.016; CI 9.572-30.249*), бачадонда чандиқ 2 та булса хавф 8 марта (OR 8.562; CI 4.605-15.922*), агар 3 та бачадон чандиғи бўлса хавф 9 марта ошиши аниқланди (OR 9.443; 2.166-41.157*), аёл анамнезида аборт бўлса, хавф 13 марта ошиши аниқланди (OR 13,869, CI 7.994-24.063*). J. M. Palacios Jaraquemada (2004) бачадонга йўлдош ўсиб кирганида бачадонни сақловчи бир босқичли жаррохлик

амалиётининг биз томондан такомиллаштирилган усули самарадолиги 94,2% (33/35) ташкил топди.

9. Эрта преэклампсияда ўпка шиши (2,9% - OR 6.217; 95% CI 1.281-30.171*), жигар (4,9%- OR 3.074; 95% CI 1.194-7.916*) ва буйрак етишмовчилиги (6,5%- OR 3.640; 95% CI 1.534-8.637*), йўлдошнинг барвақт кўчиши (15,5% OR 2.706; 95% CI 1.606-4.557*), АФС (4,5% OR 3.281; 95% CI 1.198-8.987*), гломерулонефрит (4,9% OR 3.595; 95% CI 1.332-9.704*), тромбоцитопения (19,6% OR 3.097; 95% CI 1.910-5.020*), хроник гипертензия (59,4% OR 3.452; 95% CI 2.483-4.801*), хомила ўсиши орқада қолиши (OR 3.815; 95% CI 2.684-5.424*) кўпроқ учрайди. Перинатал ўлим эрта преэклампсияда кеч преэклампсиядан 9 марта кўп (OR 9.504; 95% CI 4.963-18.199*). Эрта (OR 0.038; 95% CI 0.005-0.289) ва кеч (OR 0.552; 95% CI 0.283-1.075*) преэклампсияда туғруқни олиб боришда кутиш тактикаси актив тактикага нисбатан табиий йўл орқали туғиш частотасини 50%га оширади. Эрта преэклампсияда туғруқни олиб боришда кутиш тактикаси чақалоқларда РДСни 2,3 марта (OR 2.343; 95% CI 0.005-0.289*), чақалоқларни реанимация ва интенсив бўлимига ўтказишни 2,3 марта (OR 2.342; 95% CI 1.055-5.226*) камайишига олиб келди. Кеч преэклампсияда туғруқни актив олиб бориш ёки кутиш тактикаси чақалоқлар касалланиши ёки натижаларида статистик таъсир кўрсатмади.
10. Эндовизуал гинекология усулларидан фойдаланиш асосида кесар кесиш орқали туққан аёллардаги перипаратал инфекцияни ташхислаш ва даволаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритми самарадорлиги тасдиқланди, бу алгоритм бачадондаги чоклар етишмовчилигини эрта аниқлашга ва репродуктив функциясини ва органни сақловчи амалиётларнинг ижобий натижалари 82% га ошишига олиб келди (OR 0,1950; 95% CI 058-0,648*).
11. Акушерликдаги критик ҳолатлар аудити қуйидаги тоифаларда тиббий ёрдам сифатини оширишга олиб келди: «асоратланган туғруқни олиб бориш» (66%га), «долзарб ёрдам» (47%га), «преэклампсияни олиб бориш» (82%га), «акушерлик қон кетишда долзарб ёрдам» (55%га), «муддатдан олдинги туғруқларни олиб бориш» (40%га), «генитал сепсисни олиб бориш» (44%га) ва «клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (47%га).
12. Акушерликда қон кетиш, преэклампсия, генитал сепсисни даволашда инновацион амалий ва ташкилий технологияларни жорий этиш, оналар ўлими даражасини пасайтиришнинг асосий имконияти саналади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/30.12.2019Tib.29.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

БАБАЖАНОВА ШАХИДА ДАДАЖАНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННЫХ И ЛЕЧЕБНО-
ДИАГНОСТИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ СНИЖЕНИЯ
МАТЕРИНСКОЙ СМЕРТНОСТИ**

**14.00.33 - Общественное здоровье. Менеджмент в здравоохранении
14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА (DSc) МЕДИЦИНСКИХ НАУК**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.DSc/Tib266

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.tashpmi.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научные консультанты: **Асадов Дамин Абдурахимович**
доктор медицинских наук, профессор

Джаббарова Юлдуз Касимовна
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные
оппоненты:** **Ибрагимов Азиз Юлдашевич**
доктор медицинских наук, доцент

Негмаджанов Баходур Болтаевич
доктор медицинских наук, профессор

Юлдашев Усман Юлдашевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентская медицинская академия**

Защита состоится «__» _____ 2022 г. в ____ час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14), e-mail: mail @tashpmi. uz).

С докторской (DSc) диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ____), (Адрес:100140, г. Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 год.
(Протокол рассылки № ____ от _____ 2022 года).

А. В. Алимов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.Н. Хаитов
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных
степеней, доктор медицинских наук, доцент

Д.И. Ахмедова
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc.) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется снижению материнской смертности (МС), изучению ее причин и предупреждению. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...в мире ежедневно умирает около 810 женщин от осложнений, связанных с беременностью или родами, и ежегодно умирает 295 000 женщин; большинство материнских смертей — 94% — приходится на страны с низким и средним уровнем дохода, в то время как на развитые страны приходится лишь 0,5%...»⁴. Коэффициент материнской смертности (КМС) составляет 211 материнских смертей на 100 000 живорождений во всем мире, среди них КМС в странах Африки к югу от Сахары составляет 542, в Латинской Америке - 73, в Южной Азии - 163, в Северной Америке - 18, в Восточной Азии - 69, а в Западной Европе КМС составляет всего 5 материнских смертей на 100 000 живорождений. В 2015 г. на Саммите Организации Объединенных Наций (ООН) приняты Цели устойчивого развития, одной из которых является снижение МС на треть к 2030 г., в связи с этим, совершенствование организационных, диагностических и лечебных мероприятий по предупреждению МС является одной из актуальных задач современного акушерства.

В мире проводится ряд научных исследований, посвященных совершенствованию акушерской помощи и выявлению предотвратимых факторов при послеродовых кровотечениях, артериальной гипертензии и септических осложнениях, являющихся ведущими причинами МС. В этой связи, оценка факторов риска МС и критических состояний, связанных с акушерскими кровотечениями, гипертензивными состояниями, перипаратальной инфекцией; разработка организационных и медицинских подходов для повышения качества акушерской помощи, снижения материнской и младенческой заболеваемости и смертности, внедрение инновационных технологий для своевременной диагностики, лечения и профилактики осложнений во время беременности/родов/послеродовом периоде является одной из наиболее актуальных проблем, стоящих перед специалистами в данной области. В нашей стране проводятся комплексные реформы по укреплению здоровья женщин, повышению качества родовспоможения, обеспечению безопасного материнства, совершенствованию системы перинатальной помощи на основе мировых стандартов. В нашей стране определены такие приоритеты, как «...совершенствование системы высокотехнологичной медицинской помощи женщинам детородного возраста, беременным и детям, оснащение перинатальных центров необходимым медицинским оборудованием и

⁴ Trends in maternal mortality: 1990 to 2015: estimates by WHO, UNICEF, UNFPA, World Bank Group and the United Nations Population Division. Geneva: World Health Organization; 2019.

средствами, обеспечение их квалифицированными кадрами...»⁵. В связи с этим, необходимо поднять на новый уровень качество оказания медицинской помощи женщинам, разработать и усовершенствовать организационные, диагностические и лечебно-профилактические методы при акушерских кровотечениях, гипертензивных нарушениях и послеродовых гнойно-септических осложнениях, которые являются основными причинами МС.

Данное диссертационное исследование будет способствовать реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному улучшению здоровья системы здравоохранения Республики Узбекистан», №УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» и Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-216 от 25 апреля 2022 г. «Об усилении охраны материнства и детства в 2022-2026 годах» и других нормативно-правовых актах, действующих в области охраны материнства и детства.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации⁶

Исследования причин материнской смертности и профилактики МС, а также повышения качества оказания помощи при акушерских кровотечениях, преэклампсии, сепсисе проводились в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе в University of Oxford (Великобритания), CDC (США), University of British Columbia, (Канада), University of Toronto (Канада), North Middlesex University Hospital (Великобритания), Santa Maria University Hospital (Португалия), University of California (США), University of Strasbourg (Франция), University in Rohtak (Индия), Hospital Universitario CEMIC (Аргентина), Sakakibara Heart Institute (Япония), Ankara University (Турция), Национальном медицинском исследовательском центре акушерства, гинекологии и перинатологии имени

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

⁶ Обзор международных научных исследований по теме диссертации проведен по: <http://oxford.university-guides>, <https://www.cdc.gov/>, <https://www.ubc.ca/>, <https://www.utoronto.ca/>, <https://www.northmid.nhs.uk/>, <http://www.chln.pt/>, <https://www.universityofcalifornia.edu/>, <https://en.unistra.fr/>, <https://mdu.ac.in/>, <https://www.cemic.edu.ar/>, <https://www.sakakibara-hp.com/>, <https://www.ankara.edu.tr/>, <https://ncagp.ru/>, <https://www.akusherstvo.uz/>, <https://tashpmi.uz/>, www.pubmed, www.sciencedirect.com, www.cochrane.org, www.rcog.org.uk, www.acog.org, www.medline.ru, www.ncbi.nlm.nih. и другим источникам

академика В.И. Кулакова (Россия), Республиканском научно-практическом медицинском центре акушерства и гинекологии и Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Республика Узбекистан).

Во всем мире проводятся исследования по совершенствованию организационных, диагностических и лечебно-профилактических мероприятий по снижению МС, по которым получены ряд результатов: разработана методология конфиденциального анализа материнской смертности (University of Oxford, UK); доказана предотвратимость 86,8% случаев МС по причине послеродового кровотечения (Sakakibara Heart Institute, Japan); выявлен рост осложнений в родах у женщин старше 35 (University of British Columbia, University of Toronto, Canada); доказано, что в странах с низким и средним уровнем дохода, неправильная хирургическая техника и недостаточная профессиональная квалификация хирурга при операциях по вращению плаценты в матку приводят к МС в 87% случаях (Hospital Universitario CEMIC, Argentina); доказано, что МС среди чернокожих женщин в 3 раза выше, чем у белых женщин, что связано с проблемами доступности медицинской помощи, качеством оказываемой акушерской помощи и наличием хронических заболеваний у женщин (CDC, USA); доказано, что наложение компрессионных швов на матку при послеродовых кровотечениях предотвращает массивное кровотечение (Научный центр акушерства, гинекологии и перинатологии им. академика В.И. Кулакова, Россия); доказано, что своевременное восполнение ОЦК при кровотечениях снижает материнскую смертность (РСНПМЦАиГ, Узбекистан).

